



ЗАМОНОВИЙ ТАЪЛИМДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР: ФИЛОЛОГИЯ ВА ПЕДАГОГИКА СОҲАСИДА ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР ВА РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ



НОЯБРЬ
2020

Тошкент, Узбекистон

МАТЕРИАЛЛАР ТЎПЛАМИ

ХАЛҚАРО | ИЛМИЙ-АМАЛИЙ | МАСОФАВИЙ | КОНФЕРЕНЦИЯ
МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ

**"ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМДА РАҚАМЛИ
ТИЗИМЛАРНИ ҚЎЛЛАШ: ФИЛОЛОГИЯ ВА
ПЕДАГОГИКА СОҲАСИДА ЗАМОНАВИЙ
ТЕНДЕНЦИЯЛАР ВА РИВОЖЛАНИШ
ОМИЛЛАРИ"**

**"ЦИФРОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В
СОВРЕМЕННОМ ОБРАЗОВАНИИ:
СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ И ФАКТОРЫ
РАЗВИТИЯ В ФИЛОЛОГИИ И ПЕДАГОГИКЕ"**

**"DIGITAL TECHNOLOGIES IN MODERN
EDUCATION: CURRENT TRENDS AND
DEVELOPMENT FACTORS IN PHILOLOGY AND
PEDAGOGY"**

Замонавий таълимда рақамли тизимларни қўллаш: Филология ва педагогика соҳасида замонавий тенденциялар ва ривожланиш омиллари [Тошкент; 2020] 1 ноябрь 2020 йил. -Тошкент: Tadqiqot, 2020. -1166

Ушбу тўплам замонавий таълимда рақамли тизимларни қўллаш: Филология ва педагогика соҳасида замонавий тенденциялар ва ривожланиш омиллари бағишланган тезисларни қамраб олган.

УЎК 37.018.43:004(062)

DOI 10.26739/conf_11/05/2020

Ушбу тўпламнинг электрон шакли қуйидаги сайтларда

<https://tadqiqot.uz/conf/>

www.conferences.uz

Таҳририят кенгаши

- 1.Абдуллаева Барно Сайфутдиновна Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети проректори, п.ф.д., профессор
- 2.Шахобиддин Саидович Ашуров Самарқанд давлат чет тиллари институти проректори, ф.ф.н., доцент
- 3.Джураев Рисбой Хайдарович Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети академиги, п.ф.д.
- 4.Асқаров Ахмадали Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети академиги, т.ф.д.
- 5.Ли Ю Ми (Жанубий Корея) Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети PhD
- 6.Лутфуллаев Махмуд Ҳасанович Самарқанд давлат чет тиллари институти профессори, п.ф.д.
- 7.Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович Самарқанд давлат чет тиллари институти доценти, ф.ф.д.
- 8.Насруллаева Нафиса Зафаровна Самарқанд давлат чет тиллари институти доценти, ф.ф.д.
- 9.Кисилев Дмитрий Анатолевич Самарқанд давлат чет тиллари институти доценти, ф.ф.д.
- 10.Сувонова Нигорабону Низамиддиновна Самарқанд давлат чет тиллари институти доценти, ф.ф.н.
- 11.Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич Самарқанд давлат чет тиллари институти профессори, ф.ф.д.
- 12.Муслимов Нарзулла Алиханович. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори, п.ф.д.
- 13.Халиков Аъзам Абдусаломович педагогика Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори, п.ф.д.
- 14.Уразова Марина Батировна Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори, п.ф.д.
- 15.Мирсолиева Мухаббат Тухтасиновна Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети доценти, п.ф.д.
- 16.Мамадалиев Абдумажид Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети доценти, п.ф.н.
- 17.Садиқова Альбина Венеровна Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети доценти, п.ф.н.
- 18.Авазов Шериммат Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори, п.ф.н.
- 19.Мамаражабова Зулфия Нарбаевна Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори, п.ф.н.
- 20.Адилова Саодат Хусановна Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети доценти, п.ф.н.
- 21.Расулов Анвар Баходирович Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети бўлим бошлиғи, PhD
- 22.Абдуазимов Азиз Абдусобирович Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети бўлим бошлиғи,
- 23.Рахимова Гулсанам Аширбековна Ўзбекистон Миллий Университети Хорижий Филология факультети Табиий йуналишлар бўйича чет тиллар кафедраси мудири

Тўпламга киритилган тезислардаги таълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир

©Муаллифлар жамоаси

©Tadqiqot.uz

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Шаҳрам Файзиёв

Контакт редакций журналлов: www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-00-00

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-00-00

ПЕДАГОГИКА ЙЎНАЛИШИ

Alikulova Soxiba Tursunbayevna VAQT O'LCHOV BIRLIKLARINI O'RGATISHDA SHE'RIY MISRALAR, TOPISHMOQLARDAN, MANTIQIY MASALALAR VA MULTIMEDIADAN FOYDALANISH.....	7
Abdurahimova Dilbar RANG TASVIR VA RANGLARNING XUSUSIYATLARI.....	9
Anarqulova Dilshoda Baxadirovna MUSTAQILLIK DAVRIDA NAZMNING TARAQQIYOTI.....	11
Ergasheva Sanobar Fayzullayevna BOSHLANG'ICH SINIF O'QISH DARSLARIDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINING O'RNI.....	13
Husanova Muazzam Obidovna ABULG'OZIXON DAVRIDA XIVA XONLIGIDAGI MANSABLAR.....	16
Jurayeva Gulorom Sharifovna, Norova Gulchrhra Ro'ziqulovna INFLUENCE OF FINE ARTS ON THE DEVELOPMENT OF THE CHILD'S PERSONALITY IN THE SYSTEM OF ADDITIONAL EDUCATION.....	18
Mahmudova Feruza Ismatilla qizi BOSHLANG'ICH TA'LIMDA DARS JARAYONINI TASHKILLASHTIRISHDA O'ZIGA XOS USULLAR.....	20
Mamarasulova Mahmuda Turobboyevna INFORMATIKA DARSLARIDA O'ZLASHTIRISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH USULLARI.....	22
Niyozova Lola Safarovna BOSHLANG'ICH SINIF OQITUVCHISINING TA'LIMDA KREATIVLIK FAOLIYATINING MAZMUNI VA AHAMIYATI.....	25
Niyozova Xurshida Omonovna MAKTABDA ADABIYOT DARSLARI JARAYONIDA ADABIY TAHLIL VOSITASIDAN FOYDALANISH ORQALI O'QUVCHILARNI MANTIQIY FIKRLASHGA O'RGATISH.....	28
Polvonova Farida Omonboyevna YOSHLARNING MA'NAVIY - AXLOQIY TARBIYASIDA HADISLARDAN FOYDALANISH.....	31
U.R.Jabbarov, T.R.Xudayberganov, D.U.Rustamova GIPERAVTOMATLASHTIRILGAN BIZNES-JARAYONLAR TAHLILI.....	33
Abdullaeva Nasiba Khakimboevna THE ROLE OF MULTIMEDIA RESOURCES IN ORGANIZING ONLINE LEARNING PROCESSES.....	35
Ismailov Akmal Rustamovich RELATIONSHIP OF EMOTIONAL INTELLIGENCE AND PERSONAL ANXIETY IN MALE AND FEMALE STUDENTS.....	38
Xojimirzayeva Nodiraxon Abduxamidovna SUV O'TLARI VA ULARNING XUSUSIYATLARI.....	40
Mўйдинов ўолибжон ўофурович, Хакимов Қосимжон Козимович, Ашуров Долимбек Ёрқинбой ўғли МИЛЛИЙ КУРАШ ТУРЛАРИДА ЮҚОРИ МАХОРАТЛИ СПОРТЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	42
Зайнобиддинов Абдусит Акрамжонович, Қаямов Исмонали Одилжонович, Муротов Рустамжон Зокирович ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР БОШЛАНЎИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ҲАРАКАТ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ.....	44
Мадумаров Қодиржон Хокимжонович, Асқаров Алишер Йўлдашалиевич, Мамаюсупов Нозимжон Набиджонович	

СПОРТЧИЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ-МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ҲАРАКАТ МАЛАКА ВА КЎНИКМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АХАМИЯТИ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	46
Обжигайло Лилия Рафиковна, Хамроев Авазбек Махаматович, Эргашева Гулноза Муталибжон қизи СОҒЛОМ ҲАЁТ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА САЛОМАТЛИК ОМИЛЛАРИ.....	48
Маматкаримов Ахмад Абдуллаевич ЎРТА ОСИЁ ГЕОГРАФИЯСИНИ ЎҚИТИШДА ЎЛКА ТАБИАТИНИНГ АЖОЙИБОТЛАРИДАН ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҲОРАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ВА ДОЛЗАРБЛИГИ.....	50
Мухитдинова Муаттар Абдужаббаровна СТРУКТУРА, ОСНОВНЫЕ ЧАСТИ И ОСОБЕННОСТИ ЗЕМЛИ.....	53
Nigora Abdurashidova Alisherovna INFLUENCE OF BENCHMARKING ON INCREASE COMPETITIVENESS OF ORGANIZATIONS.....	55
Нарзуллаев Умид Ортикович БУЮК ЗОТЛАР ДЎСТЛИГИ ТАЪЛИМ - ТАРБИЯ МАНБАСИ.....	57
Narkulova Ma'mura Nizomiddinovna KIMYO FANIDAN MUAMMOLI TA'LIM DARSLARINI TASHKIL ETISH.....	59
Rahmonova Dildora Mirzakarimovna VAHSNI TO'G'RI OLIV BORISH USULLARI.....	61
Саодат Исломова Ҳамроева, Фируза Иноятовна Ширинова КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИДА ХЎЖА ҲАСАН АНДОҚИЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ ЎРНИ.....	64
Сейтова Зухраҳон Пиржановна ЭЖИНИЯЗ ҚОСЫБАЙ УЛЫНЫҢ ШЫҒАРМАЛАРЫНДА СОЦИАЛЛЫҚ ТЕҢСИЗЛИКТИҢ СҮЎРЕТЛЕНИҰИ, ПАТРИОТИЗМ ҲӘМ ГУМАНИЗМ ИДЕЯЛАРЫ.....	67
Қаюмова Насиба Ашуровна, Суропов Баходир Майдонович КОМПЬЮТЕР ВА ИНТЕРНЕТ ТАРМОҶИДА АМАЛИЙ ДАСТУРЛАРДАН ҲОЙДАЛАНИБ АҲБОРОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ.....	72
Расулова Моҳираҳон Саидаъло қизи ВОСПИТАНИЕ МОЛОДЕЖИ В ЦИФРОВОМ ПРОСТРАНСТВЕ.....	75
Холматов Шерзод Алиевич, Котова Раиса Фахимовна, Ходжиматов Шавкатжон Жўрааҳматович ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАРСЛАРИДА ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШ.....	78
Шамсиева Моҳигул Нарзуллаевна МЕТОДЫ ОБУЧЕНИЯ ИЗЛОЖЕНИЯ И СОЧИНЕНИЯ.....	80
Шойназарова Вазира Хушбаковна, Зоирова Матлюба Умбаровна ОРГАНИЗАЦИЯ САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ СТУДЕНТОВ ПО АНГЛИЙСКОМУ ЯЗЫКУ В ВУЗЕ.....	82

ФИЛОЛОГИЯ ЙЎНАЛИШИ

Azimjonova Zulfiya Erkinovna INGLIZ TILI DARSLARIDA O'QUVCHILARNING OG'ZAKI NUTQINI RIVOJLANTIRISHDA O'YIN TEXNOLOGIYASINING AHAMIYATI.....	85
Muzaffar Obilov CLASSIFICATION OF PROVERBS AND SAYINGS IN COMPARATIVE TRANSLATION STUDIES.....	88
Qalandarova Inobat Ochilovna TIL-MILLAT KO'ZGUSI.....	90



Mambetov Ikram Kamalovich XX ÁSIRDIŇ 30-JÍLLARÍNDAGÍ QARAQALPAQ POEZIYASINDA EKI QATARLÍ BÁNTLER..93	
Saloyeva Feruza Ahadjonovna ABDULLA QODIRIYNING "O'TKAN KUNLAR" O'ZBEK ADABIYOTI XAZINASIDAGI DURDONA.....	96
Shodmanova Saboat Sattorovna ДИДАКТИКАДА ТАЪЛИМНИНГ ИЗЧИЛЛИГИ.....	98
Lobarxon Ibragimovna TILNI TARTIBGA KELTIRISH-ENG ZARURIY VAZIFA.....	101
Аминджанова Махбуба ОБУЧЕНИЕ ГРАММАТИКЕ РУССКОГО ЯЗЫКА.....	103
Мухтарова Лина Каримовна, Орзиева Нарина Салахитдиновна МЕТОДИКА ПРЕПОДАВАНИЯ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА В ШКОЛЕ.....	105
Қодирова Зайнаб МАҲСУЛОТ ЁРЛИҚЛАР - РЕКЛАМАНИНГ БИР КЎРИНИШИ.....	107
Muzaffar Obilov CLASSIFICATION OF PROVERBS AND SAYINGS IN COMPARATIVE TRANSLATION STUDIES.....	111
Очилова Мехринисо Разоковна КИБЕРЛЕКСИКОГРАФИЯ - ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ЯНГИ СОҲАСИ.....	113



ПЕДАГОГИКА ЙЎНАЛИШИ

VAQT O'LCHOV BIRLIKLARINI O'RGATISHDA SHE'RIY MISRALAR, TOPISHMOQLARDAN, MANTIQUIY MASALALAR VA MULTIMEDIADAN FOYDALANISH

Alikulova Soxiba Tursunbayevna

Sirdaryo viloyati Yangiyer shahar 2-umumta'lim maktabining boshlang'ich sinf
o'qituvchisi

Anotatsiya: Ushbu maqolada boshlang'ich sinf matematika darslarida she'riy misralar, topishmoqlar, mantiqiy masala va multimedialardan foydalanishgan holda vaqt birliklarini o'rgatish yo'nalishlari misollarda ko'rsatib o'tilgan.

Kalit so'zlar: vaqt birliklari, she'r, topishmoq, mantiqiy masala, multimedia.

"Vaqt o'lchovlari" mavzusini o'rganishda o'quvchilarning vaqt o'lchovining asosiy birliklari haqida aniq tushunchalarga ega bo'lishlari lozim. Bular -yil, oy, hafta, soat, minut, sekundlarni hisoblashdir. O'qituvchining vazifasi bolalarni vaqtini aniqlash uchun soatdan amalda foydalanishga o'rgatish hamda hodisaning qancha davom etganligini, boshlanishi va oxirini aniqlash bilan bog'liq bo'lgan har xil masalalarni yechishda tabelkalandan foydalanishga o'rgatishdan iboratdir. Bu mavzuni o'rganishga kirishayotganda shuni ko'zda tutish kerakki, bu mavzuda qaralayotgan masalalarning ko'pchiligi bolalar uchun mutlaqo yangilik emas, chunki bolalar bu mavzuni o'rganmasdan oldin hafta bilan tanishish bo'ladilar, ular hafta kunlarining nomini, ularning tartibini, haftada hammasi bo'lib necha kun borligini biladilar. O'quvchilar oylarning nomlarini, ularning tartibini birmuncha yomonroq biladilar; o'zining vaqt o'lchovi birligi sifatida shakllantirish anchagina aniqlashtirishni talab qiladi. Masalan, bolalar uchun "sutka" tushunchasi mutlaqo yangi bo'ladi, ammo shu bilan birga bu asosiy tushuncha bo'lib, u orqali soat, minut aniqlanadi.

2-sinfda olib borilgan ishlarni 3-sinfda tabiiy ravishda kengaytirish va chuqurlatish bilan birga bu ishlarning 2-sinfdagiga nisbatan ma'lum darajada torayib borishini qayd qilmay o'tib bo'lmaydi. Haqiqatdan ham, bolalar 2-sinfda o'rganilgan materiallarni 3-sinfga borib kengaytiradi va mustahkamlaydi. Vaqt o'lchovlarini o'rganish vaqtini qadrlash va tejash odatlarini tarbiyalashga asos solishi lozim. O'quvchilarni vaqtlarini dars tayyorlashga, dam olishga, o'ynashga, ovqatlanishga, uyquga taqsimlashga o'rgatish lozim, ya'ni kun tartibini tuzishga va uni bajarishga o'rgatish kerak.

Dars jarayonida vaqt o'lchov birliklarini o'rganishda she'rlar, topishmoq, o'yin, mantiqiy masalardan foydalanish muhim o'rin tutadi. Shu bois dars jarayonida quyidagilardan unumli foydalanishga harakat qilaman:

MINUT 1 m-60 sek

Allo.Bu men,-ha Minut

Eshitaman, ketayapman.

Do'stim soat,sekundni ham bayramga aytganman.

Kimki meni qadrlasa, maqsadiga etadi.

Mendan unumli foydalangan bola a'lochi,qahramon bo'ladi.

SOAT 1 soat-60 min



"Chiziq-chiziq"laydi ovozi
Tinmay yangraydi sozi.
O`ylab boqchi, Qanoat,
Topding singlim, bu soat.
Minut bilan bir oiladanmiz, minut-1 soat

Topishmoqlar:

To`rtta o`g`lonning bo`lakdir o`rni
O`xshamas kiygan egniga to`ni (4fasl)
Nozik tili dildirar
Vaqt o`tganin bildirar (sekund mili),

Mantiqiy masalalar asosida vaqt o`lchovlari haqidagi tushunchalarni kengaytirish.
Qanday soat vaqtni 2marta to`g`ri ko`rsatadi? (Buzuq soat)
Bitta tuxum 4 minutda pishadi. 4 ta tuxum necha minutda pishadi? (4minutda)
Ikki ot bir vaqtda yo`lga chiqdi Biri belgilangan masofani 1 soatu 30 minutda ,
ikkinchisi 90 minutda bosib o`tdi. Qaysi biri tez yetib kelgan? (Bir vaqtda)

Multimedialar asosida ham vaqt haqidagi tushunchalar kengaytirib boriladi:



Xulosa shuki, vaqt haqidagi tushunchalarini shakllantirishning zamonaviy usullarini hisoblashda xatolarni oldini olish maqsadida qator mashqlar sistemasini yetarli darajada tashkil etish lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Jumayev M.E Matematika o`qitish metodikasi. (OO`Y uchun darslik.) -- T.: "Turon iqbol" 2016. .
2. Omonov. B "Qiziqarli matematika" T-1998.
3. Toshpo`latova M. va b.q Matematika "2-sinf o`qituvchilari uchun ilg`or pedagogik va axborot kommunikatsiya texnologiyalarini amaliyotga joriy etish bo`yicha metodik qo`llanma T-2015.
4. Abdullayeva B va b.q Matematika "3-sinf o`qituvchilari uchun ilg`or pedagogik va axborot kommunikatsiya texnologiyalarini amaliyotga joriy etish bo`yicha metodik qo`llanma T-2016.
5. Abdurahmonova N va b.q 2-sinf Matematika darsligi T-2018.
6. Burxonov S va b.q 3-sinf Matematika darsligi T-2019.



RANG TASVIR VA RANGLARNING XUSUSIYATLARI

Abdurahimova Dilbar

51-maktab tasviriy san'at fani o'qituvchisi

Annotatsiya - Ushbu maqolada ranglarning umumiy xususiyatlari haqida ilmiy qarashlar bayon etilgan. Ilmiy fikrlar faktlarga asoslanib xulosalanadi.

Kalit so'zlar - tasviriy san'at, tushuncha, rang, rang tasvir, san'at, kontrast, arxromatik, xromatik.

Barchamizga ma'lumki, tasviriy san'atda rang tushunchasi mavjud. Bu haqida fikr yuritishdan oldin biz rang tasvir haqida aytib o'tsak. Albatta, har bir tasviriy san'at sohasi bilan faoliyati bog'liq inson - xoh u rassom bo'lsin, xoh tasviriy san'at fani o'qituvchisi yoki shu soha bilan bog'liq bo'lgan hunarmand - barchasi birinchi o'rinda qalam tasvirni yaxshi bilgan holda rang tasvirga kirib boradi (rang tasvirga bog'liq sohalarda). Shu o'rinda rang tasvir o'zi nima?, rang tasvirida qalam tasvirning o'rni qanday? degan savollarga javob berib o'tamiz.

Rang tasvirning ilmiy negizini rangshunoslik fani tashkil qiladi. Rangshunoslik bo'lg'usi rassomlarga ranglarni tabiatda hosil bo'lishi va tarqalishi masalalarini ularning atrof-muhit ta'sirida o'zgarib ko'rinishini, bo'yoqlarini tayyorlash va ulardan foydalanish yo'llarini o'rgatadi. O'rta Osiyoda ranglar haqidagi talimot qadimdan kitob miniatyurasi, naqqoshlik, devorlarga freska, pannolar ishlash bilan bog'liq holda rivojlanib kelgan. Chunki musavvirlik hunari rang tanlash va ularni tayyorlay bilishni talab etadi. Shuning uchun har bir shogird, avvalo, rang tayyorlash sirlarini va shu ishga bog'liq kimyoviy jarayonlarni o'rgangan bo'lishi kerak. Ranglarni tabiatda qanday hosil bo'lishi va tarqalish hodisalari qadimdan olimlar va rassomlarning diqqatini tortgan. Uyg'onish davri buyuk rassomlari va nazariyachilari Mon Batista Alberti, Leonardo da Vinchi va boshqalar rangtasvir haqidagi asarlarida ranglarning xususiyatlari haqida yozganlar. Rang inson hayotida muhim ro'l o'ynaydi. U turli vaziyatlarda odamga har xil ta'sir etadi. Shuning uchun biz ayrim paytlarda ranglarni "quvonchli" va kayfiyatimizni tushkunligini ifoda etishi mumkin bo'lganlarini "xira" deb atashimiz bejiz emas. Inson qadimgi paytlardan oq rangning ana shunday xususiyatlarini hisobga olib, o'z faoliyatida unumli foydalanib kelganligi ma'lum.

Ayniqsa, shunday vosita sifatida rassomlar undan ustalik bilan foydalanganlar. Asarlariga har xil ranglar bilan jilo berib, odamlar kayfiyatiga turlicha ta'sir etib fikrlar uyg'otadigan tasvirlar yaratishga erishganlar. Shuning uchun tasviriy san'atning juda ko'p turlari janrlarida rang ham, uni ishlata bilish ham juda katta ahamiyatga egadir.[1] Ammo u qalam tasvirning muhim ekanligi bilan quvvatli ekanligi ma'lum haqiqatlardan eng asosiysi desak to'g'ri bo'ladi. Shuning uchun qadimdan qalam tasvirida ishlashga rang tasvirning asosi sifatida qarash shakllangan. Ammo rang xususiyatlarini yaxshi bilish har bir tasvir chizishni o'rganuvchi uchun juda ahamiyatlidir.

Ranglar yana och-to'qligi ya'ni och qizil, to'q sariq, to'q qizil, och sariq va to'yinganligi ya'ni yorqin, xiraligi bilan farq qiladi. Rang doirasida qarama-qarshi joylashgan ranglar "kontrast" ranglar deb ataladi. Kontrast ranglar bir biridan keskin farq qilib, biri ikkinchisini yanada yorqin qilib ko'rsatadi. Masalan, yashil rang fonida qizil rang yorqin bo'lib ko'rinadi va aksincha qizil rang fonida yashil rang ancha yorqinlashadi.[2] Rang bilan ishlashda rang garmoniyasini, ya'ni ranglar uyg'unligini, bilish katta ahamiyatga ega.

Narsa va hodisalarni tasvirlashda moy bo'yoq, tempera, akvarel, guash kabi bo'yoqlar ishlatiladi. Narsalarni bo'yoq yordamida tasvirlash ancha murakkab jarayon bo'lib, kishidan ranglarning xususiyatlarini va ularni samarali, uquvli tarzda ishlatish usullari texnikasini



bilishni taqozo etadi. Bo'yoqlar yordamida narsaning hajmi, fakturasi va fazoviy holatini tasvirlash rang tasvirda ishlashning asosini tashkil etadi.[3] Arxromatik ranglardan boshqa barcha ranglar, ya'ni biror rang tusiga ega bo'lgan ranglar xromatik ranglarga kiradi. Quyosh spektorining barcha ranglari hamda ularning bir birlari bilan aralashtiruvidan hosil bo'lgan hamma ranglar jumlasidandir. Shuningdek, oq rang ham xromatik ranglar jumlasiga kiradi.

Xromatik ranglar axromatik ranglardan farqli o'laroq, faqatgina yorug'ik kuchlari bilan emas, balki nomlari, tusalari jihatidan ham ajralib turadi. Masalan, sariq rang qizil ranglar ham yorug'lik kuchi bilan ham rangining tusi bilan ham keskin farq qiladi. Har bir xromatik rang uchta xossaga ega. Ular rang tusiga, rang yorug'ligiga (bunda kam yoki ko'p yorqinlik ko'zda tutiladi), rang to'yinganligiga (bunda kam yoki ko'p yorqinlik ko'zda tutiladi) ega bo'ladi. Har bir xromatik rang ana shu uchta xossaga ko'ra bir birdan farqlanadi.

Yuqorida aytilganlardan ma'lum bo'ladiki, xromatik ranglar bir biridan uchta asosiy xossasi-rang toni (rangning o'zi), rangning och-to'qligi va to'yinganligi bilan farq qilar ekan. Spektorni sinchiklab kuzatsak, uning eng chekkasidagi qizil va binafsha ranglar orasida o'xshashlik alomatlarini sezamiz. Ikkala rang bir biriga qo'shilsa, ularning oralig'ida qirmizi ranglar hosil bo'ladi. Bu hosil bo'lgan rangni qizil rang bilan binafsha rangning o'rtasida joylashtirib, spektor tutashtirilsa, halqa kelib chiqadi. Buni rangshunoslikda ranglar doirasi deb yuritiladi. Ranglar doirasidan qizil, qizg'ish zarg'aldoq, sariq, sarg'ish yashil, yashil tab zangori havorang, ko'kimtir havorang, ko'k, ko'kimtir binafsha, qirmizi ranglarning har xil tusalari ko'rinadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Boboxo'jayev O., Ubaydullayeva F., Ranglar uyg'unligi. Termiz - 1994.
2. Setimbetova G., Jabboraliyev F., Ranglar va ularning uzoq o'tmishi. Urganch - 2001.
3. Choriyev J., Kozimbayev H., Bolalarga tasviriy san'atni o'rgatish. Termiz - 1998.



MUSTAQILLIK DAVRIDA NAZMNING TARAQQIYOTI

Anarqulova Dilshoda Baxadirovna

Toshkent viloyati, Angren shahar 34-umumiy o'rta ta'lim maktabi ona tili va adabiyoti fani o'qituvchisi

Annotatsiya - Ushbu maqolada mustaqillik davr nazmining taraqqiyoti haqida ilmiy qarashlar bayon qilingan. Ilmiy fikrlar faktlarga asoslanib dalillangan.

Kalit so'zlar - Mustaqillik, ma'naviyat, poydevor, nazm, xalq, istiqlol, shoir, she'r, vazifa, tarix, yangilanish.

Mustaqillikning ma'naviy poydevorini mustahkamlashda hali oldimizda g'oyat ma'suliyatli vazifalar turibdi. Istiqlol adabiyoti xalqimiz ongi dunyoqarashidan sifat o'zgarishlarining, umumilliy - ijtimoiy uyg'otishning estetik ifodasi deyish mumkin. Bugungi tarixiy yangilanishlar ildizini millatning erk - ozodlik uchun olib borgan g'oyalardan, vatanparvarlikdan holi tasavvur qilish mumkin emas. erksevarlik g'oyalari, erk - ozodlik ideali, imon salomatligi, e'tiqod butunligi, Vatan kamoli, istiqlol adabiyotining mag'zini tashkil etayotir. Istiqlol adabiyoti, xususan she'riyatning muhim fazilatlarini o'ziga xos xususiyatlarini belgilab beruvchi bir qator etakchi tendentsiyalar ko'zga tashlanayotir. Chunonchi, milliatning o'zligini anglashi, o'zlikni qadrlash va ulug'lash, milliy iftixor tuyg'ularini shakllanishida poetik tafakkur madaniyatning sifat o'zgarishlari, rivojlanishining muhim xususiyati namoyon bo'ladi.

A.Oripov she'riyati tom ma'noda milliy she'riyatdir. She'riyatdagi vositalarning milliylikiga, milliy tuyg'ularini deklarativ ravishda ta'kidlanishdangina ifodalanib qolmaydi. Chinakam milliy shoirning har bir milliy she'ri, har bir satri chuqur milliy ruhga cho'lg'angan, millat, milliy tafakkur nafasi ufurib turgan, milliylik singib ketgan bo'ladi. Oltmishinchi yillarning o'rtalarida yozilgan "Men nechun sevaman O'zbekistonni", "Sarob", "Yuzma-yuz", "O'zbekistonda kuz", "Biznikilar", "Bahor", "Minorai kalon tepasidagi laylak", "Sovg'a" kabi she'rlarida va "O'zbekiston" qasidasida milliy o'zlikni anglash, O'zbekiston istiqloli, xalq va Vatan taqdiri, "million egatlarga sotligan o'zbek"ning dardu-hasratlari, muammolari ilk bora o'tkir qilib qo'yiladi. Bu she'rlar uchun umumiy bir ohang, umumiy g'oya, bu hurlik, milliy uyg'onish g'oyasidir.[1] Umuman, xalq uning dardu tashvishi, O'zbekiston mavzusi shoir ijodida ayricha bir muhabbat bilan qalamgaolinadi. Onayurt - jonajon O'zbekiston Abdulla Oripov eng baland maqomlarda qalamga olgan mavzudir. Mustaqillik istiqlol yillarida shoir ijodi yangi pog'onaga ko'tarildi, xalq va yurt tashvishi haqidagi o'ylar yanada teranlashdi.[2] "Shoir qalbi" (1998 yil) she'rida shoir o'zi bir umr sevib kuylangan yurtga bo'lgan teran tuyg'ularini quyidagicha izhor etdi:

Yurtda ne muborak ishlar bo'lg'uvsi,
Undan shoir qalbi shavqqa to'lg'uvsi...
Uning har go'shasi jahondir menga,
Toshloq yo'llari ham ravondir menga...
Mavjiga nogahon kimdir tosh otgay,
Zarbi yuragimning tubiga botgay...
Gar sen daryo bo'lsang - irmog'ingdirman,
Lat esang, og'riqli barmog'ingdirman.
Shu o'rinda shoira sifatida men ham o'z she'rimni sizlarga namiyon qilishni joiz topdim.
Men o'tgan umrimga achinmay qo'ydim,
Taqdirda ne borki, bariga ko'ndim.
Yig'ladim, chidadim, bardoshli bo'ldim.



Alloh bergan taqdirga men rozi bo'ldim.

Farzandlarim bor, shukur qilaman,

Duoga qo'l ochib, baxtin so'rayman.

Gohida kulaman, to'lib yig'layman.

Axir men onaman, chidab yashayman.

Hali kunlar keladi, quyosh kuladi,

Farzandlarim yetuk inson bo'ladi.

U kunlar kelishin kutib yashayman.

Taqdirga tan berib, kulib yashayman.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, mustaqillik istiqlol yillarida shoir ijodi yangi pog'onaga ko'tarildi, xalq va yurt tashvishi haqidagi o'ylar yanada teranlashdi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Muhammadaliyev B., Nazm kuychisi. Guliston - 2011. -67-69b.

2. Safarxo'jayev O., Ibodullayeva M., Mustaqillik davri adabiyoti. Urganch - 2004.



BOSHLANG'ICH SINIF O'QISH DARSLARIDA AXBOROT TEKNOLOGIYALARINING O'RNI

Ergasheva Sanobar Fayzullayevna

Navoiy viloyati Zarafshon shahar 1 - AFCHO'IM boshlang'ich sinf o'qituvchisi

Annotatsiya: Ushbu maqolada umumiy o'rta ta'lim maktablari o'qish darslari jarayonida boshlang'ich sinf o'quvchilarining lug'at boyligini oshirish, nutqini o'stirish, ifodali o'qish ko'nikmalarini shakllantirishda axborot texnologiyalaridan foydalanishning ahamiyati to'g'risidagi fikrlar bayon etilgan.

Tayanch iboralar: Axborot texnologiyasi, savod o'rgatish, nutq o'stirish, ifodali o'qish, tovush, harf.

Mustaqil Respublikamizda bugungi kunda amalga oshirilayotgan barcha islohatlar inson manfaatlariga qaratilgan. Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev bu boradagi ishlarni yanada takomillashtirishga e'tibor qaratib: "Yoshlarimiz haqli ravishda Vatanimizning kelajagi uchun javobgarlikni zimmasiga olishga qodir bo'lgan, bugungi va ertangi kunimizning hal etuvchi kuchiga aylanib borayotgani barchamizga guruh va iftixor bag'ishlaydi. Bu sohada olib borayotgan keng miqyosli ishlarimizni, xususan, ta'lim-tarbiya bo'yicha qabul qilingan umummilliy dasturlarimizni mantiqiy yakuniga yetkazishimiz zarur"[1], deb ta'kidladi.

Boshlang'ich sinflarda dastur talablarini to'liq bajarish va amalga oshirish uchun, birinchi navbatda, o'quvchilarda o'qish ko'nikmalarini to'g'ri va puxta egallash va albatta takomillashtirib borish zarurdir. O'qish ko'nikmalari ilk bora savod o'rgatish jarayonida shakllanib boradi, o'qitishning keyingi bosqichlarida esa takomillashadi. Ya'ni, savod o'rgatish, o'qish darslarining asosiy vazifasi o'quvchilarga tovush va harfni tanishtirish, ularning to'g'ri talaffuzini o'rgatish orqali o'quvchilarda to'g'ri, ongli, ifodali o'qish ko'nikmalarini shakllantirishdan iborat [2]. Shuningdek, o'quvchilar lug'atini boyitish, bog'lanishli nutqini o'stirish, bilim darajasini boyitish, mavhum tafakkurini shakllantirish, eshitish, qabul qilish sezgisini o'stirish va mustaqil fikrlashga o'rgatishda ham bu davr mas'uliyatligi bilan alohida o'rin tutadi. Bulardan tashqari bolalarda o'zgaralar nutqini eshitish, diqqatni to'plash, til birlikmalarini farqlash, ajratish, kompyuter orqali ko'rgazmalarni ko'rastib borish, axloqiy fazilatlarini anglash kabi xususiyatlar shakllanadi. Savod o'rgatish davrida ustunchalardagi so'zlarni o'qishga o'rgatish bolalarni gaplarni o'qishga tayyorlaydi.

Ta'lim jarayonida har bir o'quvchini og'zaki va yozma nutqlarini shakllantirishda turli xil didaktik materiallardan foydalanish o'quvchilar faolligini oshiradi. O'qishda bolalar gapdagi hamma so'zlarning ma'nosini tushunmasliklari mumkin, lekin bu jarayonda o'qituvchi uning ma'no va mazmunini tushuntirib berishi lozim. Alifbe davrida o'quvchilarda yetarli o'qish ko'nikmasi bo'lmaganligi uchun, ularning diqqati faqat bir so'z ma'nosiga yoki kichik hajmli gap ma'nosiga tortiladi, matn mazmunini tushunishga o'quvchilar qiynaladilar. Bunga erishish uchun o'qituvchi har bir o'qish mashg'ulotida o'quvchilar o'qigan so'z, gap, matn mazmunini tushunib o'qishlariga e'tibor berishi kerak. O'qilgan gapning, ayniqsa, matnning mazmunini tushunishda ifodali o'qish katta rol o'ynaydi. Odatda, bolalarning o'qish ohangi so'zlashuv ohangidan farq qilmaydi. O'qishda jonlilik sezilmaydi, sun'iy ohang bilan o'qiydilar. Bu hol, so'zsiz, ifodalilikni buzadi. O'quvchilarni ifodali o'qishga o'rgatish juda murakkab ishdir. Buning uchun o'quvchilar matnni bir marta o'qib chiqsalar, keyin o'qituvchi matnning xarakteriga qarab so'zni ifodali o'qib beradi, har bir gapni qanday ohang bilan bog'lash, gap tugaganda esa nuqta oldidan ovozni pasaytirish kerakligini tushuntiradi. O'quvchilarning ifodali o'qishlari matn



mazmunining to'g'ri va to'liq tushinilishiga imkon beradi.

Bolalar gap ma'nosini tushinib oldimi yoki gapdagi har bir so'zning ma'nosini tushundimi? Bularni ham o'qituvchi bilishi kerak. Boshlang'ich sinflarda bolalarning javobi to'liq bo'lishi, bir so'z bilan "Ha" yoki "Yo'q" deb javob berishlariga o'qituvchi yo'l qo'ymasligi kerak. O'quvchilar matnning mazmunini tushunish uchun matn tarkibidagi barcha gaplar mazmuni tushunishi, ularni bir - biriga bog'lay olishi talab qilinadi. Bu esa bola uchun murakkab bo'lganligi sababli o'qituvchining savoli ularning tushunishiga yo'llanma, vosita vazifasini o'taydi. O'qituvchining bunday yordami o'quv davrining xarakteriga qarab turlicha bo'ladi. Masalan, agar alifbo davrining dastlabki bosqichlaridan boshlab bolalarga bunday savollarga javob berishga o'rgatib borilsa, keyinchalik ularga umumiyroq savollar bilan murojaat qilish mumkin.

Tajribalar shuni ko'rsatadiki, bolalarning o'qish tezligi va o'qishdagi ifodalilik bir xil rivojlanmaydi. Ayrim o'quvchilar o'qish malakasini osonlikcha tez egallasalar, boshqalari sekin shoshilmay bo'g'inlab o'qiydilar. Buning sabablari o'z - o'zidan ma'lum, o'quvchilarda o'zlashtiruvchanlik, o'z diqqatini markazlashtirish, umumiy tayyorgarlik darajalari hech qachon bir xilda bo'lmaydi [3].

Boshlang'ich sinflarda axborot texnologiyalaridan foydalanish bugungi kunda o'quvchilarning bilim olish saviyalarini shakllantiribgina qolmay ularning barcha fanlarga bo'lgan qiziqishlarini shakllantiradi. Ma'lumki barcha fanlarni bir - biriga bog'lab olib borishni amalga oshirishimiz mumkin. Eng muhimi shundaki, har bir matnda fikr nima haqida berilayotganini aniqlab olish va matn nazmunini to'liq tushunib yetish imkonini beradi.

Shuning uchun, o'quvchi o'qigan matni yoki hikoyasini qanchalik yaxshi va puxta tushunsa matn yuzasidan bo'ladigan savol - javoblarda mustaqil va dadil o'z javobini ayta oladi. O'qish malakalari deganda badiiy asar matnini to'g'ri, tez, ongli va ifodali o'qish tushuniladi. O'qish darslarida o'quvchilarning o'qish malakalari shakllantiriladi va takomillashtiriladi.

O'qish malakasining sifatlari o'zaro bog'liq bo'lib, ularning asosi ongli o'qish hisoblanadi. O'quvchi matnni tez va to'g'ri o'qisa - yu, anglab o'qimasa yoki uning tez o'qishi natijasida boshqalar matn mazmunini tushunmasa, to'g'ri o'qisa - yu, o'ta sekin o'qisa nutq birliklari orasidagi to'xtamlarga e'tibor bermasa, matnda ifoda etilayotgan fikrni tushuna olmaydi. Muayyan tezlikda va to'g'ri o'qish ongli o'qishga xizmat qiladi, to'g'ri, tez va ongli o'qish esa ifodali o'qishning asosi hisoblanadi.

O'qish malakalarini egallash maktabda o'qitiladigan barcha predmetlarni muvaffaqiyatli o'zlashtirishning muhim sharti hisoblanadi. O'qish faoliyatining asosiy turi bo'lib o'quvchilarning g'oyaviy - siyosiy, aqliy, estetik va nutqiy tomondan va ayniqsa, ularning dunyoqarashlarini rivojlantirish uchun juda katta imkoniyat yaratadi. Bu jarayon esa o'qish malakalarini o'stirish va takomillashtirish ustida tizimli va maqsadga muvofiq ishlashni talab qiladi.

Xullas, boshlang'ich sinflarda barcha o'qitiladigan fanlarda turli xil ko'rgazmalardan texnik vositalardan foydalanib bilish darsning samaradorligini oshiribgina qolmay ularning bilim olishga bo'lgan qiziqishlarini shakllantiradi. Bu jarayonda barcha darslarda ko'rgazmalilikning o'rni beqiyosdir. Bu o'z navbatida ularga fikr va mulohazalarini shakllantirishga ahamiyatli hisoblanadi. Agarda o'quvchilarda o'qish malakalari shakllanmasa o'quvchi o'qiganlari mazmunini tushunmaydi. Shuningdek, o'qiyotgan so'zlari ma'nosini tushunmagan o'quvchi ham to'g'ri o'qishga qiynaladi. Shuning uchun, o'quvchining tushunishi uchun to'g'ri va ifodali o'qishni bilishi va to'g'ri o'qishi uchun o'qiyotgan so'zlari ma'nosini tushunishi maqsadli hisoblanadi.



Foydalanilgan adabiyotlar

- 1.Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. -Т., "Ўзбекистон", 2016 й, 12 - б.
- 2.Белорукова Е.М. Педагогические условия развития интеллектуальной инициативы младших школьников: Дис. □ канд. пед. наук. - Барнаул, 2006.- 192 с.
- 3.Karimova V.M., Akramova F. Psixologiya. Ma'ruzalar matni. T. 2000. B.197-199.



ABULG'OZIXON DAVRIDA XIVA XONLIGIDAGI MANSABLAR

Husanova Muazzam Obidovna

Namangan viloyati, Chust shahar
10-sonli maktabning Tarix fani o'qituvchisi

Annotatsiya - Ushbu maqolada Abulg'ozii Bahodirxon davrida Xiva xonligida mavjud bo'lgan mansab va unvonlar haqida ma'lumot beriladi. Ilmiy fikrlar faktlarga asoslanib xulosalanadi.

Kalit so'zlar - O'zbek, urug', marosim, taxt, boshqaruv, saroy, martaba, amaldor.

Ma'lumki, Xiva xonligida unvonlar orasida eng kattasi inoq edi. Odatda inoqlar eng qudratli o'zbek urug'laridan tayinlangan hamda ular xonning eng yaqin maslahatchilari bo'lgan. Inoqlar yirik amaldor, ya'ni urug' boshlig'i hisoblangan. Abulg'ozixon tantanali marosimlarda o'tirish uchun inoqlarga o'z yonidan to'rtta joy ajratgan. Inoqlar biy, sulton, mingboshi kabi unvonlarni ham olganlar. XX asr boshlariga kelib inoqlar bek martabasiga tushib, oliy saroy amaldorlaridan ma'muriy mansab egalariga aylanadilar.

Otaliq - urug' oqsoqoli. Inoq boshliq to'pa (guruh) ga birlashgan urug' boshlig'i. Xonning eng yaqin maslahatchilaridan biri bo'lgan. Otaliq qilich va pichoq taqib yurgan.[1]

Biy - saroy unvoni. Inoq va otaliqdan keyingi martaba. Biy qabila va urug'ning boshlig'i hisoblanib, ko'chmanchi va yarim ko'chmanchi turkiy xalqlarning, jumladan o'zbeklarning urug' oqsoqollariga beriladigan unvon edi. XVII-XIX asrlarda biylar yirik o'zbek qabila va urug'lariga boshchilik qilib, faqat markaziy hokimiyatga itoat etganlar. Biy unvoni avloddan avlodga meros qilib qoldirilgan.

Amir ul-umaro - Amirlarning amiri, Xiva xonligida XIX asrning o'rtalarida ta'sis etilgan. Sayid Muhammadxon bu unvonni birinchi marta o'zining akasi Sayid Mahmud to'raga bergan edi. Muhammad Amin inoq hukmronligi davrida amir ul-umaro uning akasi Fozilbiy edi. O'shandan keyin amir ul-umaro unvoni hech kimga berilmagan.[2]

Qo'shbegi - Xiva xonligida saroyning oliy mansablaridan biri bo'lib, moliya va soliq yig'ish ishlarini bajargan. Qo'shbegining maxsus devoni hamda unga tobe etuvchi amaldorlari bo'lgan.

Mehtar - katta, ulug' degan ma'noni beradi. Mehtar saroy xizmatkorlarining boshlig'i vazifasini bajarib, xonga yaqin kishilardan va xon urug'iga mansub a'yonlardan tayinlangan. Mehtarning ham o'z devoni bo'lib, yer solig'i "solg'ut" to'plash ham uning xizmatiga kirgan.

Beklarbegi - Qoraqalpoq va ko'chmanchi xalqlarning oqsoqollariga beriladigan faxriy unvon. Beklarbegining vazifasi ularning o'z urug'laridan yig'iladigan xarajatlarning to'g'riligini tekshirib turish va ularni to'la ravishda xazinaga topshirish ustidan nazorat qilishdan iborat bo'lgan. Bu lavozimga amaldorlar odatda xonning qarindosh-urug'laridan tayinlangan.

Bek - XIX asrda Xiva xonligining ijtimoiy-siyosiy hayotida beklar ancha katta rol o'ynaganlar. Bek - xon va davlat arboblarning qarindoshlariga, farzandlariga beriladigan faxriy unvondir.

Parvonachi - xon saroyidagi oliy vazirlardan biri. Parvonachi saroyning ichki va tashqi ishlarida ham faol qatnashishi mumkin bo'lgan. U arzu-shikoyatlarni xonning huzuriga olib kirib, javobini qaytargan. Shuningdek, parvonachi xonning formonlarini saroy a'yonlariga yetkazib turgan.[3]

Eshikoqosi - saroy darvozalarini qo'riqlash ishlarini boshqargan. Oybolta uning mansab alomati bo'lgan. Hukmdor saroyda bo'lgan vaqtda eshikoqosi uni qo'riqlash bilan shug'ullangan. Eshikoqosi arzgo'ylarning nima xususda kelganlarini surishtirib, ularni saroydagi tegishli amaldorlar tomoniga jo'natar edi. Faqat juda muhim xabarlar bilan



kelgan kishilargina xon huzuriga kiritilgan.

Saroyda darvoza ortida turadigan qorovullar va maxsus darvoza qo'riqchilaridan tashqari xonni qo'riqlaydigan tunqator yoki tunotarlar, ya'ni, kechasi bilan xonni qo'riqlab chiqadigan xizmatchilar ham bo'lgan.

Mahram - ishonchli xizmatkor, sidqidildan xizmat qiluvchi saroy ichkarisidagi xodim ma'nolarini anglatadi. Mahramlar xonga yaqin kishilar hisoblangan. Davlat boshqaruvida ular bevosita xonning maslahatchilari bo'lishgan. Mahramlar xonning oromxonasiga kirish huquqiga ega bo'lganlar.

Xiva xoni saroyida yana quyidagi unvon, mansab va vazifalar mavjud bo'lgan: oftobachi, buxchabardor, soatbardor, kitobdor, mo'zabardor (xon poyabzalini beruvchi), sharbatdor, mahram boshi (yuqori lavozim hisoblangan), to'shakchi, karnaychi, surnaychi, jarchi, oshmehtar (xon va saroy oshxonasi boshlig'i), sorbon (tuyachilar), kamon xalfa (ovchi, qushchi), merganlar, sayis (ot boquvchi), ko'mirchi, kuchanchi (egar-jabduqchi), tamakisoz, loykash, kulol, xodimchi, ro'molchi, selobchi (jom ushlab turuvchi), poyaki (chilimchi), aravachi, noschi, qilichkor (qilich va shamshir yasovchi), oshpaz, tovoqchi, darakchi (otchopar), jirchi (ashulachi), yo'nuvchi (duradgor), devon (mirza), mushrif (ozuqa yig'uvchi), bojbon (zakotchi) va boshqalar. Ularning barchasi saroy xazinasidan maosh olganliklari haqida ma'lumotlar bor. Saroydagi umumiy tartibni arbob nazorat qilgan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Maqsudov O., Ne'matov Sh., Xiva xonligida mansablar. Termiz - 1991.
2. Jo'raboyev S., Izzatullayev B., Abulg'ozixon davrida Xiva xonligi. Jizzax - 2001.
3. Karimboyeva Q., Dadboyev Y., XVI-XIX asrlarda Xiva xonligi. Namangan - 2004.



INFLUENCE OF FINE ARTS ON THE DEVELOPMENT OF THE CHILD'S PERSONALITY IN THE SYSTEM OF ADDITIONAL EDUCATION

Jurayeva Gulorom Sharifovna
Norova Gulchrhra Ro'ziqulovna

Zarafzhon shahar 13-AFCHO'I maktab o'qituvchilari

Annotation: Art plays a huge role in human development and society. Being an artistic representation of reality, it has a strong impact on the development of personality, forms feelings, thoughts, morality and life principles. The introduction of a person to art is simply necessary, it is especially important in our time. Over the past 20 years, there has been a real social catastrophe, the degradation of the population, and the situation is getting worse every day.

Keywords: Classical art, paintings-abstract, illusions, rock paintings, artistic creativity

This is facilitated not only by factors such as the spread of alcohol, cigarettes, drugs, but also the promotion of an immoral lifestyle, which is the subject of many modern "works of art". The main characters of modern art are bourgeois businessmen, murderers, thieves, saboteurs, paranoids, misanthropists, people deprived of conscience and honor. Modern music, movies and books often promote cruelty, hatred, prudence. Children from an early age already see films filled with murder, crime, violence, anti-law; in books, such stories are also quite common. And all because now artists work for money; there are few who pursue the idea. There are no heroes in our time... more precisely there is, but about them little who knows. Classical art was formed according to the principles of displaying the best features of the world around us. Based on the images of the beautiful, it is an antagonism to the modern and educates the viewer, reader and listener in the spirit of humanism, patriotism and other high principles. Classical art does not contain aggression, but on the contrary, calms the thoughts of a person, encouraging him to feel and transmit love, to do good deeds.

"Beauty will save the world" - a phrase from the great work of F. M. Dostoevsky "Idiot". The author meant not the outward beauty and the inner beauty of the spiritual. In his drafts, the writer calls the main character "Prince Christ", thereby reminding himself that he should be as similar as possible to Christ-kindness, philanthropy, meekness, lack of selfishness, the ability to sympathize with human misfortunes and misfortunes. Therefore, the "beauty" of which the hero of the work (and F. M. Dostoevsky himself) speaks is the sum of the moral qualities of a "positively beautiful person". The same principles can be traced in classical music and fine arts [2]. Fine art is one of the types of artistic creativity of a person. It arose 20 thousand years ago, in the Paleolithic era and preserved in the form of rock paintings-abstract and linear images. Scientists have proved that ancient artists reproduced images that came to them in a trance - their illusions. The world of art is a world of illusions. But a man cannot paint what he has never seen, which means that he depicts what really exists, but from his point of view. In each image there is a thought, feelings of the author, which he puts into it; accordingly, these thoughts and feelings are transmitted to the viewer who contemplates this work. If it carries in itself love and kindness-the person is filled with these emotions and radiates them, transferring to people around. The same thing happens with negative, aggressive thoughts. Therefore, in our life it is so important to have good, kind thoughts, to feel love for the world around us. Our task now, more than ever, is to teach this to the future generation in order to avoid war and the extinction of mankind.



It is possible and even necessary to introduce children to art from the very birth.

At preschool age, they are most susceptible to various types of art. It is at this stage of development that it is important to begin to form a child's love for classical art. One of the most important tasks of education is the formation of a functionally literate person who has not only subject, but also universal knowledge and skills. The foundations of functional literacy are laid at a young age, including through the introduction of children to art culture: teaching them the ability to see the beautiful in life and art, emotionally perceive works of art and competently formulate their opinion about them, as well as the ability to use the acquired practical skills in everyday life and in project activities (both individual and collective). These skills and abilities, of course, enrich the inner world of students, significantly expand their horizons and give them the opportunity to more consciously and wholeheartedly comprehend the world around them. Recently, all processes in society have accelerated. The culture of communication of the younger generation has become as pragmatic as possible, and this is facilitated by the trends in the development of the digital world. There are both positive and negative aspects in this. The modern generation is accustomed to dynamic images (television, Internet), in which imagination does not develop and consciousness is dulled. In order to carry out aesthetic education based on modern trends, it is necessary to arouse students' interest in the subject and keep it. Through the development of fine arts there is a transfer of spiritual experience of mankind, preservation of cultural traditions, respect for the historical and cultural heritage of the peoples of the world.

References:

1. Winkelmann I. I. History of art of antiquity. Small works / Ed. prepared By I. E. Babanov. - SPb.: Aleteia, State Hermitage Museum, 2000 - 800 p.
2. Ilyin I. A. History of art and aesthetics: Selected. Articles / - Moscow: Iskusstvo, 1983-288 p.
3. Kamenskaya E. N. Developmental Psychology and age psychology. Abstract of lectures / A: Phoenix, 2006. - 224p.



BOSHLANG'ICH TA'LIMDA DARS JARAYONINI TASHKILLASHTIRISHDA O'ZIGA XOS USULLAR

Mahmudova Feruza Ismatilla qizi

Namangan viloyati, Namangan tumani
6-sonli maktab ona tili va adabiyoti fani o'qituvchisi

Annotatsiya - Ushbu maqolada boshlang'ich sinf o'qituvchilari darsni tashkil etish uchun kerakli mulohazalar ilmiy bayon etiladi.

Kalit so'zlar - Dars, didaktika, ta'lim, usul, metod, o'yin, pedagogic texnologiya, tanaffus, mashg'ulot.

Barchamizga ma'lumki, boshlang'ich sinf o'qituvchilarining har bir darsni tashkil etish uchun turli didaktik o'yinlardan foydalanishlari yaxshi samara beradi.

Chunki 6-7 yoshli bolalar hayotida maktab davri ancha murakkab davr bo'lib, bolalar oldida jiddiy sinov turadi. Bola yangi hayot - maktab hayotiga kirib boradi. Endi u yangi jamoaning a'zosi ekanligini his etishga, intizomga bo'ysunishga, yangi rejimga moslashishga majbur bo'ladi. Bola yosh bo'lishiga qaramay, endi uning maktabda oqish, uy vazifalarini bajarish, murakkab materiallarni o'rganish kabi zarur yumushlari ko'p. Muhimi, o'yindan maktabga, kundalik majburiy va davomli mehnatga o'tish bola hayotida tub burilishdir. Hatto maktabgacha tarbiya muassasalaridan kelgan bolalar uchun ham bu oson kechmaydi. Uydan maktabga kelgan bolalarga esa yana ham qiyin. Ayniqsa, sinfda 40-45 daqiqalik darsda o'tirish, tinglash va topshiriqlarni bajarish, uzoq aqliy mehnat bolani tez toliqtiradi. Bola maktabdan, o'qishdan so'vib ketishi mumkin. Shuning uchun ham o'qituvchilar bolalarning maktabdagi hayotini qiziqarli tashkil etishga intilishlari, motiv hosil qilish va uni rivojlantirishga harakat qilishlari lozim. Motiv o'z-o'zidan hosil bo'lmaydi. Uni bolalar yoshiga va psixologik xususiyatlariga mos didaktik o'yinlar va mustaqil ishlar vositasida hosil qilish mumkin.

Ayniqsa, boshlang'ich ta'lim jarayonida pedagogik texnologiyalardan foydalangan holda darslarni qiziqarli olib borish natijasida o'quvchilarni darsga jalb etish samarali bo'ladi. Shunday darslarda bolalar diqqati to'liq jalb etiladi, xotirasi yaxshi ishlaydi. Motivlar o'quvchilarning bilimlarini chuqur egallashlariga yordam beradi. Shuning uchun ham boshlang'ich sinf o'qituvchilari ta'lim jarayonini qiziqarli motivlar asosida tashkil etishga e'tibor qaratishlari zarur.

"Pedagogik texnologiya" tushunchasining vujudga kelishi, ta'limning ilk tashkiliy va metodik shakllarining vujudga kelishi bilan bogliq. Individual ta'lim o'quv-tarbiya jarayonining eng qadimiy tashkiliy shakli bo'lib, u dastavval qadimgi Yunonistonda paydo bo'lgan edi. O'qituvchi bir o'quvchi bilan ishlab, ta'limni bevosita tashkil etgan, boshqargan, nazorat etgan. O'qituvchi matnlarni o'qib bergan yoki bolalariga o'qitib so'zlatgan. Qoida va ta'riflarni yodlash, jismoniy mashqlarni bajarish musiqa asboblarida u yoki bu kuyni ijro etish yo'llari bilan bolalar hayot, san'at, notiqlik, jismoniy madaniyatga oid bilimlarni o'zlashtirgan.

Keyinchalik individual ta'lim o'rnini guruhlar asosida o'qitish egallagan. O'rta asrlarga kelib qoidalarni yodlash, bir xil tipdagi mashqlarni bajarish, og'zaki savol-javob, yuqori pag'onalarda esa ma'ruza, munozara ta'limning yetakchi usullariga aylana boshlagan. Bu holat asta-sekin sinf - dars sistemasini keltirib chiqarib yangi texnologiyalarni kelib chiqishiga zamin hozirlagan.

XIX asrning oxiri XX asrning boshlarida xorijiy mamalakatlarida ko'plab pedagogik nazariyalar vujudga keldi. Ularning ayrimlari ta'lim-tarbiya tizimini yaxshilashga, o'quvchilar faolligini oshirishga qaratilgan edi.



Shu davrlarda "Yangi maktablar" degan pedagogik oqim paydo bo'lib, uning asoschisi fransuz pedagogi E. Demolen edi. Bunday maktablar Angliya, AQSh, Fransiya, Belgiya, Shvesariya kabi ko'plab davlatlarda ochildi. Jenevada "Yangi maktablarning xalqaro birlashmasi" tuzildi va unda yangi maktablarga qo'yilgan talablar belgilab berildi. Bu maktablar xususiy bo'lib, unda haq to'lashga koding kishilarning bolalarigina o'qitilgan. Yangi maktablarda ish yaxshi yo'lga qo'yilgan, to'liq jihozlangan kabinet va laboratoriyalar tashkil etilgan, "erkin va faol" metodlar qo'llanilgan. O'quvchilarning o'z-o'zini boshqarish organlari bo'lgan.

Maktablarning amaliy pedagogik laboratoriyasi bo'lib, bolalarning miyasini yodlab olingan bilimlar bilan to'ldirish orqali ta'lim berish o'rniga, ularning fikrlash qobiliyatini umumiy o'stirish yo'li bilan ta'lim berishga harakat qilingan. O'quvchilarga qanday qilib kuzatish, gipotezalar topishni, o'z taxminlarini tekshirib ko'rishni o'rgatganlar. Bunday maktablarda o'qitish faktlarga va tajribaga tayanishga, bolalarning tashabbuskorligi va mustaqilligini tarbiyalashga asoslangan edi.

XIX asr oxirlarida Germaniyada pedagog Vilgelm Avgust Lay (1862- 1926) "ish-harakat pedagogikasi"ga asos soldi. Uning g'oyalarida ham o'ziga xos ijobiy tomonlari, yangiliklar bor edi. Lay pedagogik jarayonda ifodalash, tasvirlashga katta ahamiyat berdi, chunki uning fikricha, mana shunday ifodalash yoki tasvirlash jarayonida o'quvchilar o'z faolliklarini ko'rsatish imkoniyatiga ega bo'ladilar, harakat qiladilar.

Uning fikricha, tasvirlashning har qanday turlari: rasm solish, loy va plastilindan buyumlar yasash, har xil narsalarning modelini yasash, chizmachilik, dramatisasiya, ashula, musiqa, raqslar, shuningdek, o'simlik hamda hayvonlarni parvarish qilish tajribalarini o'tkazish, og'zaki va yozma ishlar va shu kabilar ta'lim jarayonidagi "ifodalash" vositalaridir. Lay fikricha hamma darslar ana shu qoidalar asosiga qurilishi lozim.

FOYDALANILGAN DABIYOTLAR

1. Nishonaliev U. Ta'lim standarti va pedagogik innovatsiyalar. - "Xalq ta'limi", 1999-yil

2. Zari pov K. Yangi pedagogik texnologiyani tadbiq etish bosqichlari. - "Xalq ta'limi", 1997-yil 4-son, 4-12 betlar.



INFORMATIKA DARSLARIDA O'ZLASHTIRISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH USULLARI

Mamarasulova Mahmuda Turobboyevna

Namangan viloyati Namangan tuman XTB ga qarashli 21-maktab O'TIBDO'

Anotatsiya: ushbu maqolada informatika darslarida o'zlashtirish samaradorligini oshirish bo'yicha o'qitish metodlari, shakllari va tavsiyalar berilgan.

Kalit so'zlar: metod va shakllar, axborot kommunikatsiya texnologiyalari (AKT), frontal o'qitish, jamoa bo'lib, guruhlarga bo'lib o'qitish, juftlikda ishlash, individual o'qitish shakllari.

Informatika yo'nalishining istiqbollari va rivojlanishi bilan bir qatorda hozirgi kunda informatika fanini o'qitishning talablari, mazmuni hamda shakllari ham o'zgarib bormoqda. Axborot madaniyatini to'liq o'zlashtirish, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari bo'yicha chuqur bilimlarga ega bo'lish hozirgi zamon talablaridan biridir. Informatika va AKT o'qituvchisining maqsadi - axborot jamiyatida yashay oladigan shaxsning shakllanishiga o'z hissasini qo'shish. Ushbu maqsadga erishish uchun quyidagi vazifalarni amalga oshirish lozim:

-o'quvchilarda axborot madaniyati elementlarini shakllantirish uchun sharoit yaratish;

-mustaqil bilim olish hamda o'z ustida ishlash malakalarini shakllantirish uchun sharoit yaratish;

-informatika va AKT ni o'qitishda fanlararo bog'liqlik;

-iqtidorli o'quvchilarni aniqlash uchun shart-sharoit yaratish.

Informatika fanini o'qitishning umumiy shakllarini quyidagilarga ajratish mumkin: 1)frontal o'qitish; 2)jamoa bo'lib o'qitish; 3)guruhlarga bo'lib o'qitish; 4)juftlikda ishlash; 5)individual o'qitish.

O'qitishning umumiy shakllarini ajratishda o'qituvchi va o'quvchi, o'quvchi va o'quvchi orasidagi kommunikativ xususiyatlariga asoslanilgan.

Миллий қадриятларимиздан ҳисобланган ўзбек кураши билан жаҳон халқлари севиб шуғулланишаётганлари, ўзбек тилидаги "Таъзим, кураш, ёнбош, ҳалол, дакки" сўзларининг дунё халқлари тилида ўзбекча янграётгани миллатимиз гурурини, мавқеини янада ортириб бормоқда. Халқаро мусобақаларда ҳар бир ўзбек фарзанди қатнашар экан унинг ортида оиласи, ватани, юртдошлари ҳамдард, ҳамнафас бўлиб турганини хис этади. Уларнинг ютуғи халқимизнинг ютуғи ва муваффақияти ҳисобланади.

Миллий кураш усулларининг тараққиётига ҳамда, оммавийлашиб боришига халқларни ўзаро бирдамликда яшашлари, уларнинг миллий анъаналари ва урф одатларини уйғунлашиб кетишининг аҳамияти катта бўлган. Ўтган даврлар ва ҳозирда мамлакатимизда жаҳонга машҳур паҳлавонлар етишиб чиқмоқда. Улар ҳорижий мамлакатлар шунингдек Европа мамлакатлари кураш майдонларида барча рақибларини мағлуб этиб, тенги йўқ паҳлавонлар деб тан олинган. Ҳозирги кунда ўзбек кураш усулларини оммавийлашиб бориши, миллий қадриятларимиз тикланаётганлиги ва аждодларимиз азалий орзулари рўёбга чиқаётганлигидан далолатдир.

Ҳозирги кунда миллий кураш усулларига умумий ўрта таълим мактабларида олий таълим тизими жисмоний тарбия жараёнида ўргатилмоқда. Спорт мактабларининг кураш тўғаракларида спортчилар тайёрлашнинг педагогик жараёни давр талабига мувофиқ такомиллашиб бормоқда. Малакали спортчи курашчилар тайёрлаш жараёни кўп босқичли ва курашчилардан мунтазам жисмоний, техник-тактик ва назарий ҳамда психологик тайёргарлиги, машаққатли меҳнат талаб этадиган педагогик жараён бўлиб ҳисобланади.

Тренерлар ўқув машғулотлари жараёнини ташкил этишда, болаларни кураш усулларига йўналтириш ва дастлабки саралаш тадбирларини ўтказадилар. Бунда деярли бир ҳил ёшдаги болалар гуруҳи сараланади. Кўп ҳолларда кураш билан шуғулланишга 12-13 ёш ўғил болалар ва 14-15 ёш қиз болалар жалб этилади. Улар дастлабки тиббий кўрикдан ўтгандан сўнг, шифокор тавсияси билан кураш машғулотларига қўйилади. Жисмоний тайёргарликка эга бўлган ҳамда курашга шахсий қизиқишлари ва қобилиятлари бўлган болаларни кураш машғулотларига кўплаб жалб этиш зарур. Ўз психик ҳолатини бошқара олишга ўргатишни нафақат мусобақага тайёргарлик вақтида, балки йил мобайнидаги машғулотлар циклида олиб бориш лозим. Шунинг учун тренер ҳар бир машғулотда уларни тайёрлаш учун ўз-ўзини тарбиялаш ва бошқариш усуллари енгишда катта аҳамиятга эга



эканлигини чуқур тушунтириши керак ва спортчилардан тизимли равишда ушбу усулларни такомиллаштиришни талаб этиши зарур.

Бўлажак мусобақага психологик тайёргарлик. Курашчилар айна учрашувга ўзи рақиб ҳаракатларини аниқлаб, мусобақага тайёр бўлганда, уларни мусобақадан олдин чигалёзди (разминка) қилганида ўйин тўғрисида ўйлаш керак эмас. мусобақага тайёрланишнинг бошқача вариантлари ҳам бўлиши мумкин.

Курашчиларни бўлажак мусобақага тайёрлаётган тренернинг асосий вазифаси курашчиларда мусобақага чиқиш олдидан рўй берадиган ортиқча асабнинг таранглашишини камайтириш, уларда ўз кучига ишонч жанговар ҳолатини ҳосил қилишдан иборат. Шунини айтиш керакки, спортчилардаги ишончининг ўта ишончга ўтиб кетишига йўл қўймаслик керак. Чунки бу ҳотиржамлик ҳушёрликни йўқотиш ва диққатни сусайтиришга олиб келади. Мусобақага спортчини психологик тайёрлаш амалиётида бир қатор усуллар мавжуд. Тренер улардан кераклигини танлаб ишлатиши мумкин. Бўлажак беллашувга нафақат тренер, балки спортчининг ўзини- ўзи ишонтириши лозим. Бунинг учун беллашув олдидан қуйидаги усулларни ишлатишни ўрганиб олиши керак. Булар: ўз-ўзига таъсир этиш, ўз-ўзини ишонтириш, ўз-ўзига далда бериш, ўз-ўзига буйруқ бериш ва ҳоказолардан иборат.

Беллашув олдидан, айниқса, ортиқча қўзғалиб кетадиган, мувозанатсиз курашчилар учун аутоген машғулотлар яхши ёрдам беради.

Бўлимлар орасидаги дам олиш вақтида курашчини психологик тайёрлаш. беллашув вақтида курашчини психологик тайёрлашда тренернинг тўғри насиҳатлари катта ўрин тутади.

Спортчиларимизни мусобақаларга тайёрлаш жараёнида албатта, уларнинг ахлоқий, эстетик рухий тайёргарликларини, улардаги миллий гурурларини ривожлантириш, миллий истиқлол ғояларини ёшларимиз онгига янада чуқурроқ сингдиришда алоҳида эътибор берилиши керак. Ўзбек спортчилари келажакда барча спорт турлари бўйича жаҳон ареналарида, олимпиада ўйинларида голибликни қўлга киритишиб, ватанимиз ва миллатимизни шону-шуҳратини янада юқорига кўтаришади деб умид билдираимиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Нуришин Ж.М, Саломов Р.С., Керимов Ф.А "Ўзбекча миллий спорт кураши".- Т., 1993
2. Атаев А.К "Кураш" ўқув қўлланма.- Т., 1987



ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ҲАРАКАТ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Зайнобиддинов Абдувосит Акрамжонович

Андижон вилояти Мархамат тумани 24-умумтаълим мактаби жисмоний тарбия ўқитувчиси,

Қаюмов Исмонали Одилжонович

Мархамат тумани 26-умумтаълим мактаби жисмоний тарбия ўқитувчиси,

Муротов Рустамжон Зокирович

Мархамат тумани 28-умумтаълим мактаби жисмоний тарбия ўқитувчиси

Аннотация: Ҳаракатли ўйинлар болаларнинг ҳаракат фаолияти жисмоний ривожланишига, ҳаракат кўникмалари ва жисмоний сифатларнинг шаклланишида юқори самара бериши бўйича маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Ҳаракатли ўйинлар, жисмоний чиниқтириш, қўзғалиш ва тормозланиш, кузатувчанлик, топқирлик, атроф-муҳитда мўлжал олиш қобилияти, ботирлик, чаққонлик.

Ўйинларнинг келиб чиқиши ва тарихи ҳақидаги маълумотлар бизгача XI асрнинг буюк лингвисти, тарихчиси, этнографи Махмуд Қошғарийнинг "Девону луғотит турк" китоби орқали етиб келгандир. Асарда ўзбек ҳаракатли ўйинларини бошлашдан олдин амалга ошириладиган чақириш, тўпланиш, ўйин боши, чек ташлаш каби ўйин шаклларида намуналар келтирилган.

Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асарида ҳам спорт ўйинларидан қиличбозлик, кураш, кўпкарига алоҳида эътибор берилиб, уларни ёшларни жисмонан баққуват бўлишларига катта таъсир кўрсатиши кўрсатиб ўтилган. Атоқли рус педагоги П.Ф.Лесгафт "ўйинни болани ҳаётга тайёрлашга ёрдам берувчи машқ деб ҳисоблайди". Бу машқ мустақил фаолият бўлиб, унда боланинг шахсий ташаббуси ривожланади ва ахлокий сифатлари тарбияланади. У ҳар бир ўйин мақсадга эга бўлиши керак дейди.

Бунинг учун ўйиндаги ҳаракатлар боланинг ўзини бошқара олиш малакасига мос бўлишига; бу ҳаракатлар тизимли машқларда олдиндан ўзлаштирилган бўлиши лозим.

Ҳаракатли ўйинларни мунтазам ўтказиш болаларда ўз ҳаракатларини бошқаришни ривожлантиришга ёрдам беради, улар гавдасини тартибга солади, яъни турли зўриқишда ҳаракат қилишга ўргатади.

Ўйинлар болани жуда чаққонлик, муайян мақсад ва тезкорлик билан ҳаракат қилишга; қоидаларни бажариш, ўзини тутиш, ўртоқликни қадрлай олишга ўргатади.

Илк ёшли болалар оилаларда боланинг дастлабки ҳаракати билан боғлиқ овунмачоқлар, эрмак ўйинлар ёрдамида тарбияланганлар. Ундан каттароқ ёшдаги болалар ҳаётида ранг-баранг ҳаракат мазмунига эга булган (ўз ичига болаларни ром қилувчи ўйин бошланмалари, хиргойилари, санашмачоқларни олувчи) халқ ўйинлари катта ўрин олган.

Ҳаракатли ўйинлар жисмоний тарбиянинг асосий воситасидир. Ҳаракатли ўйинлар болаларнинг ҳаракат фаолияти жисмоний ривожланишига, ҳаракат кўникмалари ва жисмоний сифатларнинг шаклланишига, организмнинг бола руҳиятига яхши таъсир этадиган ижобий эмоциялар билан узвий боғлиқдир.

Функционал фаолиятини оширган ва эмоционал қувноқлик туйғуларини кучайтирган ҳолда саломатликни мустаҳкамлашга ижодий таъсир этади. Ҳаракатли



ўйинларни ўтказишда эришиладиган соғломлаштириш самараси болаларнинг ўйин фаолияти жараёнида юзага келадиган ва Эмоционал кўтаринкилик болаларда барча учун умумий бўлган мақсадга эришишга интилиш уйғотади ва у вазифаларни аниқ тушунишда, ҳаракатларнинг ўзаро мослигида, фазода ва ўйин шароитларида аниқмўлжал олишда, топшириқларни тезлаштирилган суръатда бажарилиши лозим.

Болаларнинг мақсадга эришишга нисбатан кучли иштиёқи ва завқли интилиши асосида турли тўсиқларни енгиб ўтишга ёрдам берувчи ироданинг роли ошади. Ҳаракатли ўйинлар болалар томонидан аввал эгалланган ҳаракат кўникмаларини такомиллаштириш ва жисмоний сифатларни тарбиялаш методи бўлиб хизмат қилади.

Ўйин жараёнида бола ўз эътиборини ҳаракатни бажариш усулига эмас, балки мақсадга эришишга қаратади. У ўйин шартларига мувофиқ ҳаракат қилади, бунда чаққонлик кўрсатади ва шу аснода ҳаракатларни такомиллаштиради.

Ҳаракат фаолияти сифатида ҳаракатли ўйин муайян ўзига хос хусусиятларга эга: у боладан сигнал ва ўйинда тўсатдан бўладиган ўзгаришларга тезда жавоб беришни талаб қилади. Деярли ҳар бир ҳаракатли ўйинда ҳаракатлар ва болалар ҳаракатига оид сигналлар мавжуд. Масалан "чумчуқлар ва автомобиль", "самолётлар".

Ўйиндаги фаол ҳаракат фаолияти бола қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларини такомиллаштирган ҳолда нерв тизимини машқ қилдиради, кузатувчанлик, топқирлик, атроф-муҳитда мўлжал олиш қобилиятини, ботирлик, чаққонлик ташаббус кўрсатиш, мақсадга эришишнинг мустақил усулини танлашни тарбиялайди.

Биз қуйидагиларни тавсия қиламиз: Ҳаракатли ўйинлар жисмоний тарбия ва спорт тизимида асосий восита сифатида, спорт турларининг турли хил машқларидан фойдаланиш билан бир қаторда, ҳаракатли ўйинларни кенг қўлланиши, энг аввало ёшларни ҳар томонлама жисмонан ва рухан соғлом бўлиб вояга етишига ёрдам берса, иккинчи томондан у ёшларни доимо жисмоний фаол бўлишга ҳамда уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда асосий воситаларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланган адабиётлар.

1. Усмонхўжаев Г.С. "1001 ўйин" Т. Медицина 1999 й.
2. Қорабоев У. "Ўзбек халқ ўйинлари" Тошкент 2001й.



СПОРТЧИЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ-МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ҲАРАКАТ МАЛАКА ВА КўНИКМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АХАМИЯТИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мадумаров Қодиржон Хоқимжонович

Андижон вилояти Мархамат тумани халқ таълими бўлими жисмоний тарбия
методисти,

Асқаров Алишер Йўлдашалиевич

Мархамат тумани 1-умумтаълим мактаби жисмоний тарбия ўқитувчиси,

Мамаюсупов Нозимжон Набиджонович

Мархамат тумани 5-умумтаълим мактаби жисмоний тарбия ўқитувчиси

Аннотация: Спортчиларнинг функционал-морфологик хусусиятларининг ҳаракат малака ва кўникмаларни ривожлантиришдаги хусусиятлари ва спортчиларнинг юқори спорт натижаларига эришишидаги аҳамияти тахлил қилинди.

Калит сўзлар: Антропометрик, функционал-морфологик, ўпканинг тириклик сифими, жисмоний фаоллик, ирсият, атроф муҳит.

Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчи шахсларнинг жисмоний ривожланишининг текшируви қуйидаги вазифаларни белгилайди. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишнинг организмга таъсирини баҳолаш; болалар ва ўсмирларни айни бир спорт тури билан шуғулланиш учун танлаш ва саралаш; бўй, тана вазни, қўл ва оёқларнинг нисбий узунлиги, тана ва оёқларнинг нисбати ва бошқалар. Физиологик кўрсаткич юрак-қон системаси тинч ҳолатда ва юкламалардан кейин, нафаслар сони (тезлиги) ўпканинг тириклик сифими Антропометрик маълумотлар у ёки бу спорт тури билан шуғулланишни таъқиқлаши мумкин эмас, чунки баъзида антропометрик кўрсаткичлари талабга жавоб бермайдиган спортчилар баъзи бир спорт тури бўйича юқори натижаларга эришган.

Инсоннинг жисмоний ривожланиши деганда организмнинг жисмоний қобилиятини аниқловчи функционал-морфологик хусусиятларининг мажмуаси (комплекс) тушунилади. Бу мажмуа соғлиқ, тана оғирлиги, куч, мускул чидамлилиги, ҳаракатлар координацияси (мувозанатни) (уйғунлиги) каби омиллар киради. Инсоннинг жисмоний ривожланишига ирсият, атроф муҳит, социол-экономик омиллар, меҳнат ва турмуш шароитлари, овқатланиш, жисмоний фаоллик, спорт билан шуғулланишлар таъсир қилади.

Спортчининг иш қобилиятини аниқлаш 4 та йўналиш бўйича ўтади:

1) Тиббий кўрик.

2) Организмнинг ҳар-хил системаларининг жисмоний юклага физиологик реакциясини аниқлаш.

3) Тана тузилишини ва унинг қисмларини жисмоний иш қобилиятига солиштирган ҳолда аниқлаш.

4) Бажарилиши организмнинг ҳар-хил системаларига боғлиқ бўлган машқлар мажмуаси ичига кирувчи жисмоний юкламалар ва ҳаракатларни бажариш қобилиятини аниқлаш.

Инсоннинг жисмоний ривожланишини текширишнинг асосий усули ташқи кўрик (соматоскопия) ва ўлчов (соматометрия) дир. Ташқи кўрик тери қатламига баҳо беришдан бошланади; кейин кўкрак қафасининг шакли, қорин, оёқ, мускулнинг ривожланиш даражаси, ёғ қатлами, таянч ҳаракат аппаратининг ҳолати ва бошқа кўрсаткичлар баҳоланади. Тери силлиқ, тоза, нам, қуруқ, таранг ёки бўш, угрилари бор, оқиш, пушти, қизарган ва бошқалар деб таърифланади.



Таянч ҳаракат аппаратининг ҳолати (ТХА) умумий таассуротларга асосланиб баҳоланади. Елка кенглиги, қомат ва массивлик умуртқа поғонасининг ҳолати. Умуртқа поғонаси асосий таянч вазифасини бажаради. Уни фронтал ва сагиттал текисликларда кўриқдан ўтказилади. Умуртқа поғоналарининг ўткир учлари орқали ўтган чизиқ шакли аниқланади, курак суяқларининг симметриклиги ва елканинг баландлиги (ўрни), иккала қўл ёнга туширилганда бел чизиғи билан ҳосил қилинган учбурчак ҳолати аниқланади. Нормал умуртқа поғонаси ўзининг физиологик қайрилишларига эга. Паталогик ҳолатларда умуртқа поғонаси олди ва орқага (кифоз, лордоз) ёки ёнга (сколиз) қийшайиши мумкин. (сколиоз).

Ён томонга қийшайишларни аниқлаш учун сколиозометр. Текис (япалоқ) орқа умуртқа поғонасининг барча физиологик қайрилишларининг текисланиб кетиши билан характерланади. Думалоқ орқа кўкрак кифозидир. Бел лордоз катталашганда текис-ботиқ орқа шаклланади. Бел лордоз катталашганда ва кўкрак кифози катталашганда думалоқ ботиқ (эгарсимон) орқа шаклланади. Қомат-эркин турган одамнинг одатий туриш ҳолати. Қомат умуртқа поғонасининг шакли, уни ушловчи мускулнинг тонуси ва ривожланишининг бир хилдалигига боғлиқ. Қуйидаги қомат турлари фарқланади: тўғри, кифозик, лордозик ва тўғриланган. Қомат шаклини аниқлаш учун кўз билан кураклар жойлашиши, елка баландлиги (ўрни) ва бошнинг ҳолати кузатилади. Ундан ташқари жихозлар билан текширув услублари ҳам қўлланилади.

Биз қуйидагиларни таклиф қиламиз: Спортчиларни юқори натижаларга эришишларида тренер ҳамда спорт шифокори ҳамкорликда фаолият олиб бориши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ёш спортчиларнинг жисмоний қобилятиларини ривожлантириш. О. В. Гончарова. Тошкент. 2005.
2. Г.Л.Апоносенко, Л.А. Попова "Медицинская волеология" Ростов Дон 2000
3. Лечебная физкультура В.И.Дубровский М. 2000.
4. "Внутренние болезни" М. 1987
5. "Справочник терапевта" М 1980



СОҒЛОМ ҲАЁТ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА САЛОМАТЛИК ОМИЛЛАРИ

Обжигайло Лилия Рафиковна

Андижон шаҳар 24-умумтаълим мактаби жисмоний тарбия ўқитувчиси,

Хамроев Авазбек Махаматович

Андижон шаҳар 39-умумтаълим мактаби жисмоний тарбия ўқитувчиси,

Эргашева Гулноза Муталибжон қизи

Андижон шаҳар 44-умумтаълим мактаби жисмоний тарбия ўқитувчиси.

Аннотация: Соғлом ҳаёт тарзини шакллантиришда саломатлик омиллари, саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом ҳаёт тарзини шакллантиришлар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: шахсий гигиена, саломатлик, соғлом ҳаёт тарзи, шахсий гигиена, турмуш тарзи, жисмоний чиниқиш.

Инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, уни муҳофаза қилиш, соғлом ҳаёт тарзини шакллантиришга қаратилган давлатимизда қатор қонун, қарор ва дастурлар қабул қилинаётганлиги бежиз эмас. Саломатлик жараёнини идора (бошқариш) этиш учун нафақат ҳар бир шахнинг саломатлиги ҳақида тўлиқ ахборотга эга бўлиши, балки саломатликка тегишли муаммоларни ҳам билиши зарур.

Ёшларни ўз саломатликларини янада мустаҳкамлаш омиллари ҳақида назарий ва амалий билимларга эга бўлишига ҳам катта аҳамият қаратилмоқда. Республиканинг умумий аҳолисини деярли 64% 30 ёшгача бўлган ёшлардан, 90 мингдан зиёд ёш оилалардан иборатлиги маълум.

Давлат - ҳар бир инсонга ҳақиқий саломатлик ҳуқуқини берибгина қолмай уни асраб - авайлашни, атроф - муҳитни ҳам эҳтиёт қилиш вазифасини юклайди. Саломатликни мустаҳкамлашда одамнинг нерв-психологик ҳолатларида кўпроқ учрайдиган бу невроз касаллигидир. Невроз (рухий) касаллик-олий нерв фаолиятининг кучайиши-таранглашиши, асаб тизимини бузилиши турларидандир. Айниқса, болалар ўртасида кўп учрайдиган камқонлик, рахит, гипотрофия, аллергия, рўхий - невроз, касалликларининг аксарияти она сутига тўймаганларда учрайди.

Неврозларни "Цивилизация "тараққиёт" касалликларига" киритилади.

Жисмоний тарбия ва спорт қонунида фуқоролар ўз саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш, жисмоний чиниқишлари тўғрисида қайғуришлари шарт деб кўрсатилган.

Саломатлик-бу жамият бойлиги бўлиб, жисмонан бирон-бир нуқсонлар йўқлигини эмас балки бу ҳақиқатда бир жисмоний, маънавий - ахлоқий, ижтимоий-иқтисодий ва гуманистик мазмунлар билан тўлдирилган шаклдир.

Мутахассисларнинг фикрича аҳоли саломатлигининг 20% ирсий омилларга; 20-30% атроф муҳит таъсирига; 40-50% турмуш тарзига ва 10%соғлиқни сақлаш хизмати фаолиятига боғлиқлиги таъкидланади. Она сутига 100 дан ортиқ озуқа моддалари бўлиб, фақат миқдор жиҳатидан бола эҳтиёжини қопламай, сифат жиҳатдан ҳам боланинг ёшига, мос келади. Она сутига оқсил, ёғ, углеводлар 1:3:6 нисбатда бўлади ва бола эҳтиёжини тўла қоплаб, жуда кўп миқдорда алмаштирилиб бўлмайдиган аминокислоталар сақлайди. Унда боланинг асаб толаларини ўстирувчи воситалар мавжуд. Она сутини эмиб катта бўлган болалар ўз тенгқурлари орасида жисмонан ва ақлан ижобий тамони билан ажралиб туради. . Ҳозирги пайтда невроз касаллиги ёшлар ўртасида турли шаклларда



учрамоқда. Бунинг сабаблари кун тартибида жисмоний тарбия воситалари қўлланмаслиги, жисмоний машқлар билан шуғулланиши сусайганлиги, ойладаги сурункали иқтисодий камчиликлар, ота-она можаролари, болаларга доимо тайзиқ ўтказишлар уларда заифлик, ирода бўшлиғи, асабийлашишлар неврозига олиб келса, аксинча иқтисодий мукамал таъминланган, қийинчиликларни кўрмаган, ижтимоий қониққан, ёшларда айниқса ўқишдаги талабалар, буюрилган ишни гўёки бажариб бўлмайдиган каби туйилиши, ота-оналарни талабларига эътироз билдиришлари уларда "Истерия" (асаб тутқаноғи), неврастения (асаб силласининг кўриниши) шаклидаги неврозлар кўпроқ учрамоқда.

Буюк оли Абу Али Ибн Сино инсон саломатлигини яхшилашда жисмоний машқлар, машғулотлар воситасини қўллашни тавсия этган. Олим, соғлиқни сақлаш учун 7 омилга эътибор қаратган. Бу, босиқлик, овқатланиш тартиби, гавдани тик тутиш, қулай кийим, жисмоний ва рухий ҳаракатлар, уйқу ва уйғоқлик ҳолатидир.

Мутахассисликларни таъкидлашча профилактика соғлом инсон танасининг химоя механизмини мустаҳкамлаш, чиниқтириш унинг қаршилиқ кучини оширишга йўналтирилган. Ижтимоий профилактика аҳоли-жамоа саломатлигини химоя қилишни, шахсий профилактика эса турмушда ва ишлаб чиқаришда шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишларини назарда тутаяди ҳамда саломатликни махсули сифатида соғлом ҳаёт тарзини шакллантиришда қўлланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Спорт физиологияси фанидан лаборатория машғулотлари учун услубий қўлланма. М. Пўлатова Тошкент-2010 М.Д., ЎзДЖТИ нашриёт-матбаа бўлими
2. Спорт физиологияси .Ўқув услубий қўлланма .Пўлатова М.Д., Сафарова Д.Д. ЎзДЖТИ нашриёт-матбаа бўлими Т.2014 й



ЎРТА ОСИЁ ГЕОГРАФИЯСИНИ ЎҚИТИШДА ЎЛКА ТАБИАТИНИНГ АЖОЙИБОТЛАРИДАН ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҒОРЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ВА ДОЛЗАРБЛИГИ

Маматкаримов Ахмад Абдуллаевич

Фарғона вилояти, Фарғона тумани халқ таълими тасаруфидаги 34-умум
таълим мактаби география фани ўқитувчиси.

Анотатсия: ушбу мақола Ўрта Осиё Географиясини ўқитишда ўлка табиатининг ажойиботларидан Фарғона водийси ғорларини ўрганишнинг самарадорлиги ва долзарблиги тўғрисида фикр юритилади. Ўрта Осиё ғорлар уларни жойлашган ўрни ички тузилиши, аҳамияти улардан фойдаланиш самарали усул эканлиги ҳақида фикр юритилган

Калит сўзлар : Халокат Бари т Аровон Колмоқунгур Сўх Оқтурпоқ, Девайрон, Сумунгур, Каптархона, Опишр Бешунгур Чилустун Бешунгур

"ЎРТА ОСИЁ ДУНДОНАСИ" деб ном олган Фарғона водийсининг гўзал табиати хайрон қоларли даражада хилма - хилдир. Унинг осмон ўпар қорли тоғлари, салкин тоғ ҳавоси, шўх дарёлари, серманзара кўллари тоғ арчазорлари ва ёнғоқзорлари адир ўтлоқлари, сўлим боғлари, ям - яшил далалари кимларнинг мафтун қилмайди дейсиз. Водийда ўзининг ажоботлари билан эътиборни жалб қилувчи яна бир нарса ер ости бўшлиқлари ғорларидир. Табиатни бу мўжизаси сирли бўлиб кўринганлиги сабабли кўпчилик кишиларнинг диққатини ўзга жалб қилади. Шу сабабли улар ҳақида кўпгина афсона ва ривоятлар тўкилган. Фарғона водийсида узунлиги бир неча юз метрдан ошадиган ғорлар борки улар ичида катта заллар ҳар томонга тармоқланиб кетган иланг - биланг узун ва тор йўллар ғор шипидан осилиб тушган сумалаклар ажойиб устунлар бор. Кўршапалакларни шатур - шутур қилиб учишиб томчиларнинг бир маромда чакиллашиб электр нурларида турли минералларнинг тобланиб туриши ўзининг гўзаллиги ва ғаройиботлиги билан кишини ажаблантиради ва мафтун этади. Водийдаги ғорларни ўрганишда олимларимиздан Е А Ферсман, Д.И. Шчербеков, Н.А Гвоздецкий, М. Маматкулов, З. Султонов ва бошқаларнинг хизматлари каттадир.

Водийдаги энг машҳур ва энг узун ғор Жанубий Фарғонадаги Саритоғ тизмасида самарқандлик қишлоғидан 18 километр жанубда жойлашган Конигут (кониют) дир. Ғорнинг номи "Халокат кони" деб юритилган. Бунга сабаб ғордан Хазина қидирувчилари кўпчилиги хилват ва қоронғу жойларда ажалдан бошқа ҳеч нарса топа олмаган. Узунлиги 3000 метр бўлган бу ғорда 18 та зал бўлиб, баъзиларнинг баландлиги 40-45 метр, узунлиги эса 50 метрга боради. Заллари бир - бири билан жуда тор ўтиш йўллари орқали боғланган бўлиб, уларнинг баъзиларидан ҳатто эмаклар ўтишга тўғри келади. Ғорга кириш анча мушкул киши унинг ичида юрганида узини худда зулмат ичидагидек хис қилади. Ғор қуруқ ҳаво иссиқлиги 10 даража атрофида. У карст ходисаси натижасида ҳосил бўлади. Лекин ғордан илк феодализм давридан бошлаб темир қўрғошин кўмир рудалари қазиб олиниши натижасида унинг шакли жуда ўзгариб кетган. Унинг атрофида VII- XI асрлардаги руда қазувчиларнинг қароргоҳлари руда эритиши пункти қолдиқлари топилган.

Олой тоғларидаги Аровон дарёсинининг ўрта оқимида жойлашган Катта Барит (узунлиги 100 метрдан ортиқ) ғори ўзининг ички тузилиши, ажойиботлари билан ажралиб туради. Унинг деворларини чироқ нурларида ярқировчи барит ва калсий минераллар қоплаб олган. Академик Е. А. Ферсманнинг ёзишича ғорнинг баритли қисми шундай ажойибки уни дунёда ягона деса бўлади. Бу ғорга ер ости



" қўриқхонаси " деб ном берилган эди.

Шохимардон сойининг ўнг қирғоғида Жидали қишлоғининг яқинида Жидали (150 метр) ғори жойлашган. У қудуқ шаклида ғор йўллар билан қўшилган 5 залдан иборат. 4- залида сув иссиқлиги 21,5 даражада бўлган булоқ жойлашган. Шунинг учун ғор илик ва нам.

Кўксув дарёсининг ўнг қирғоғида Шохимардон қишлоғидан 14 км жанубда Колмоқунгур (65 метр) ғори жойлашган. Ғор оғзи оҳак тошли тоғ этагида жойлашиб, анча тор (1,5 метр) ғорнинг ичкараси эса баландлиги 10-15 метр келадиган залдан иборат унинг бир чеккасидан булоқ чиқиб туради шиптдан томчиларинг бир меёрада чаккиллаб туриши ажойиб манзарани ҳосил қилади.

Сўх дарёсининг ўрта оқимида Оқтурпоқ, Девайрон, Сумунгур, Каптархона, Опшир ва бошқа ғорлар учрайди. Оқтурпоқ ғори Сўх дарёсининг ўнг қирғоғида Риштондан 30 км жануби - ғарбда жойлашиб, гипс ва доломит жинсларидан ҳосил бўлган, унинг оғзи жануби - ғарбида жойлашиб, гипс конгломерат жинсларидан иборат, шакли, худуди тандирга ўхшайди. Узунликдан ғор торайиб пастка томон эса коридорсимон кенгайди. Ғор ичи салқин ва жуда қоронғи. Уни шипларида оёғини осмондан қилиб осилиб ётган кўршапалаклар электр нурларида сарик ва оқ тусли гипс қатламларининг тобланиб туриши худди эртақларидек ажиб манзарани ҳосил қилади.

Сўх дарёсининг қадимга ўзун Обшир сойининг ўнг қирғоғида Қатрон тоғининг жанубий ён бағрида мезолит (тош асри) даврига оид 5 дан ортиқ ғорлар топилган. Уларнинг эни 8-26 метр баландлиги 10-12 метрга боради. Бу ғорлардан мезолит даврига оид тош пичоқлар, пармалар, бигизлар, қирғичлар ва бошқалар топилган. Бу ғорлар қадимги кишиларининг яшаш жойлари бўлган.

Палеазой оҳак тошларидан тузилган. Ўш тоғларида Бешунгур ва Чилустун ғорлари жойлашган. Бешунгур тоғи Ўш шаҳрининг ғарбдаги Чилмайрам тоғининг ён бағрида жойлашган. У мураккаб тузилишга эга. Оғзи тор (1-1,5 метр) бўлиб, худуди кониссимон қудуққа ўхшайди. Пастга 5 қудуқ тармоқлари айримлари залларга айланади. Қудуқ ва залларда сумалаклар (Сталактитлар) ривожланган. Чилустун ғори Аравондан 3 км шимолий - шарқда жойлашган. У бир - бири билан қўшилган 9 залдан иборат. Ғорга кириш қийин, чунки унинг оғзи чиқиш қийин бўлган тик жойлашган. Ғоршунослар махсус нарвон ва арқонлар ёрдамида ғорга киришиб уни текширишган. Ғор ичи кальситлардан ҳосил бўлган сталактит сталагмит ва чиройли устунлар билан безалгандир. Устунларининг сони 40 дан ортиқдир. Шу сабабли уни "Қирқ устунли ғор" деб бежиз айтишмаган.

Фарғона водийсида тарқалган айрим ғорлар тўғрисида адабиётларда қисқача маълумотлар келтирилган. Умуман уларнинг сони кўп ва янгилари топилиши натижасида сони йилдан йилга ортиб бормоқда.

Ғорларни ўрганиш илмий, амалий ва эстетик ва туристик аҳамиятга эга . Ғорлар кўпинча иншоотлар учун хавф туғдиради. Шунинг чун махсус текшириш ишлари олиб борилиб, уларнинг қурилишларига зиён етказмаслиги учун турли чоралар кўриш зарур. Ғорларни ўрганиш жойининг тектоник тузилишини билишда ёрдам беради. Ғорларда кўпгина қазилма бойликлар учрайди.

Водийдимизда ғорларда барит, кальцит, арганит, целестин, фулуорит, мармар ,оникс мўмиё ва бошқа минераллар топилган. Ғорлар қадим замонларда кишилар учун бошпана бўлган. Кўпгина ғорларда хайкаллар, қуроллар унинг деворларида кишилар чизиб қолдирган расмлар ва бошқа нарсалар яхши сақланиб қолган. Ғорлардан шифохона сифатида фойдаланиш ҳам мумкин. Ғорларнинг ҳавоси кишига соғломлик ва бардамлик бахш этувчи кеч куз хавосига қиёс қилиш мумкин. Ғорларда микроблар жуда оз ҳамда унинг иқлими йил давомида кам



ўзгаради. Уларда бронхиаль, асма, юрак, гипертония, ревматизм нафас йуллари билан касалланган кишиларни даволаш мумкин.

Ғорлардан совуқхона сифатида ҳам ишлатилса бўлади. Бу айниқса Ўрта Осиё шароитида катта аҳамиятга эгадир. Ғорлар туризм учун ғоят қизиқарли объектдир. Афсуски водийдаги бирорта ғор туристлар бемалол кириб томоша қила олишлари учун қулайлаштирилмаган, яъни электирлаштирилмаган, асфалт йуллар қурилмаган.

Ғорларнинг туризм учун катта аҳамияти ва табиатнинг ноёб ёдгорлиги бўлишига қарамай ёмон сақланмоқда. Айниқса ғорларнинг ичидаги минг йиллар давомида табиат томонидан яратилган турли ажойиб шакллар ғорга кирувчилар томонидан синдирилмоқда, деворларига ёзилмоқда, натижада ғорлар ўз табиий "гўзаллигини" ҳамда фан учун аҳамиятини йўқотмоқда. Бу нарсани Бешунгур, Чилустун, ва бошқа ғорлар мисолида кўриш мумкин.

Ғорлардаги табиат томонидан минг йиллар давомида яратилган ажойиб ёдгорликларни сақлаш ва келгуси авлодларга етказиш ҳаммани бурчидир.

Фойданалган адабиётлар:

Е.А. Ферсман, Д.И. Шчербеков, Н.А. Гвоздецкий, М. Маматкулов, З. Султонов
И. Абдуганиев



СТРУКТУРА, ОСНОВНЫЕ ЧАСТИ И ОСОБЕННОСТИ ЗЕМЛИ

Мухитдинова Муаттар Абдужаббаровна
Учительница географии 24- школа город Андижан

Аннотация: В данной работе представлены основные части оболочку, мантия и ядро земли, особенно верхняя часть земной коры и мантии, толщина земной коры а также слои земли.

Ключевые слова: Оболочка, мантия, ядро, толщина земной коры, атеносфера, ядро.

Земля теоретически делится на три основные части: оболочку, мантия и ядро. Толщина земной коры, по сравнению с глубинами океана, колеблется в пределах 5-10 километров, в равнинах - 35-45 км, а в горных районах-70 километров и выше. А вообще, земную кору условно можно представить как слой породы толщиной до 33 километров посередине. Температура горных пород в коре колеблется в среднем от 33 °С до 1 °С каждые 1 метр. Слой коры представляет собой чередующиеся и повторяющиеся (песок, грунт, глина, известняк) слои осадочных пород, а также магматические слои, состоящие из гранита и базальта. Осадочные породы состоят в основном из скоплений органических веществ, и их скопление играет важную роль в качестве полезных ископаемых. После полов осадочных пород существует гранитный слой, который возникает из-за того, что в земной коре магма выбрасывается при повышенном давлении и температуре и охлаждается до твердого состояния. После гранита есть базальтовый слой, который является черным тяжелее гранита, и в нем преобладают вещества железа, кальция и магния. После раковины мантия располагается в интервале глубин 33-29000 километров. Предполагается, что мантия состоит из железа, магния и свинца, а средняя температура составляет около 2000 °С.

Верхняя часть земной коры и мантии вместе образуют озарообразную земную литосферу. Литосфера состоит из нескольких огромных литосферных плит, которые постоянно находятся в движении относительно друг друга. Именно по границам литосферных плит возникают относительно крупные очаги землетрясений. Граница мантии и оболочки - так называемая "поверхность Мохровича", в которой скорость распространения сейсмических волн увеличивается при резких скачках. На глубине 120-150 км от материков и 60-400 км от океанов находится слой, известный как "Атеносфера", в котором вещества находятся близко к температуре плавления и характеризуются гораздо более низкой ковшеобразностью, и специалисты отрасли прогнозируют, что этот слой будет действовать так же, как литосферные слои, расположенные чуть выше поверхности, будут взорваны. Что касается центральной части земли, то в 29000-6371 километровом слое находится ядро земли.

Предполагается, что ядро состоит из двух частей, в свою очередь, тоже немного: Во - первых, внешняя часть состоит из расплавленного железа и его смесей, то есть в жидком состоянии, разделенном на толщину 2900 - 5000 километров, а во - вторых-предполагается, что внутреннее ядро состоит из твердого слоя, разделенного на 5000-6731 километровый слой. Строение и физические свойства земной коры еще не исчерпаны. Внешнее строение земной скалистой гряды называется рельефом. Образование рельефа обуславливает его возраст, морфологическую структуру, закономерности происхождения и распространения органов геморрагической науки. Строение земной поверхности, историческое развитие, в котором развитие жизни во многом зависит от тектонических процессов



и климата, происходящих внутри Земли.

Суши используется в сельском хозяйстве и 20% - в пастбищном земледелии. На душу населения мира приходится 0,4 га пахотной Земли. Если земля плоская, с достаточным количеством влаги и температуры, глина состоит из горных пород, то она богата остатками осеменения, насекомых и микроорганизмов, что ускоряет образование почвенного слоя. Толщина почвенного слоя составляет примерно 1-3 метра, он состоит из слоев а, в, с. Наиболее плодородной частью, богатой гниющей золой, расположенной выше, является а-перегнойный слой. Под ним находится слой карбонатно - соленой виллы, вымытый с вершины, ниже которой лежит слой породы S-она, пониженный до глубины 1,5-2 метра. Виды почв закономерно уменьшаются с уменьшением климата от полюсов до экватора и от равнин до гор.

Годовое количество осадков умеренного пояса составляет 500-600 мм. В лесных степях распространены наиболее плодородные, конгломератные, черноземные почвы, богатые перегноем(до 10%). В степях и полупустынях Средней Азии распространены слабо (1-2 %) перегно-серые, серые почвы из-за недостатка влаги для развития осеменения в естественных условиях. В зависимости от геологического рельефа, рельефа и климатических колебаний, различают несколько типов почв, типичных для каждой земли, виды осеменения и животный мир.

Использованная литература:

1.Жураев Г. Маматкулов Х Литосфера и ее свойства. Ургенч 1990. 2.Юлдашева Б. Фазлиддинов Ш Земная кора и ее свойства. Термез 1995. 3.Халилходжаев Р. Файзуллаев Х. Цели, задачи географической науки.Карши 2011



INFLUENCE OF BENCHMARKING ON INCREASE COMPETITIVENESS OF ORGANIZATIONS

Nigora Abdurashidova Alisherovna

Scientific aspirant of the Tashkent State University of Economics

Abstract: The article examines the active tightening of competition caused by globalization, the organization has to compete with world leaders not only in the external, but also in the domestic market. To do this, she needs to adequately assess her own strengths and weaknesses, constantly look for and find ways to enhance competitive advantages, identify and eliminate the reasons for the insufficient efficiency of her own activities, and increase her competitiveness.

Keywords: Benchmarking, business, retail trade, competitiveness.

Benchmarking is a market-based institution that helps organizations solve emerging problems. Benchmarking refers to the process of continuous measurement and comparison of the methods and results of the work of an organization, its individual divisions and functions, processes, products and services produced with organizations chosen as role models in order to collect information that will help the organization in question determine the direction of its improvement and take measures to improving performance and increasing competitiveness.

Due to the high level of competition, maintaining the achievements of past years and even their slight improvement does not give results in increasing and maintaining competitiveness, therefore, organizations must regularly check the effectiveness of previous achievements, develop the ability to quickly respond to changing conditions and maintain a high degree of customer satisfaction. Consequently, benchmarking is not a one-time activity, today it should be formally established in an organization as an institution, become an integral part of the process of innovation and improvement in business.

The available information on benchmarking problems can be divided into two areas: the theoretical foundations of benchmarking based on foreign sources and the practical experience of individual companies in the use of benchmarking technologies.

General theoretical issues of competition, competitive advantages and competitiveness were reflected in the works of such foreign and domestic scientists as G.L. Azoev, G.L. Nagiyev, F. Kotler, I. M. Lifitz, M. Porter, Yu. Yu. Rubin, S. G. Svetunkov, A. Strickland, A. Thompson, R. A. Fatkhutdinov, A. Yu. Yudanov and others.

According to the author, increasing the competitiveness of organizations largely depends on the ability and quality of managing competitive advantages. It is customary to understand competitive advantage as those characteristics that create a certain superiority over its competitors for the organization producing or selling a given product. These characteristics can be different and relate both to the product and service itself, and to the peculiarities of the organization's business processes. Such superiority is relative and is determined in comparison with other organizations through benchmarking. In order to maintain and increase its competitiveness, the organization must constantly carry out adequate strategic and operational changes, acquire new competitive advantages, at least as fast as its competitors will copy existing ones. Without using the capabilities of the market benchmarking institution, it is extremely difficult to organize a process of continuous improvement of the organization's performance, which requires benchmarks for the performance of other organizations, as well as knowledge of the best business practices of direct competitors and industry leaders.

The preconditions for the emergence of benchmarking and the subsequent process of its institutionalization were the processes of toughening competition in world markets



along with the beginning of globalization of world trade, as a result of which the opportunities for access to information on the activities of leading world corporations have significantly expanded. Benchmarking has a history of several decades.

The event that marked the beginning of the institutional stage in the development of benchmarking was the establishment of several centers for the exchange of best practices that collect, classify and disseminate information, products and services within the framework of benchmarking. Such organizations subsequently became the main subjects of benchmarking in the world. At the current institutional stage of the development of benchmarking, it seems necessary to focus on the categorical definition of it as a market institution. The foundation of the benchmarking institute is the relationship of agreement that arises between the subjects of benchmarking in the process of sharing best practices. The concept of a consensus relationship is based on the orderly exchange of information, creating and maintaining the necessary connections and contacts with benchmarking partners.

Thus, the object of institutional interactions within the framework of the institution of benchmarking is information about best practices for doing business, which will allow organizations to increase the efficiency of their activities with minimal expenditure of organizational resources.

References:

1. Sidorova, E. E. Benchmarking as a function of searching for competitive advantages in the system of modern entrepreneurship / E.E.Sidorova// Youth and Economy: New Views and Solutions: Interuniversity. Sat. tr. Young Scientists / Ed. L.S. Shakhovskoy / VolGTU. - Volgograd, 2005
2. Mikhailova E.A. Basics of benchmarking // Journal "Management in Russia and Abroad", №1, 2001, P.134-139.
3. Knyazev E.A., Evdokimova Ya.Sh. Benchmarking for universities: Study guide. - M.: University book, Logos, 2006. - 208p.



БУЮК ЗОТЛАР ДЎСТЛИГИ ТАЪЛИМ - ТАРБИЯ МАНБАСИ

Нарзуллаев Умид Ортикович

Навоий давлат педагогика институти тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори

Аннотация: ушбу мақолада буюк аждодларимизнинг узаро муносабатлари ва уларнинг муносабати таълим- тарбия манбаси эканлиги ёритиб берилган.

Калит сузлар: Мустақиллик, дўстона муносабатлари, саҳобалар, алломалар , авлиёлар.

Мустақиллик халқимиз маънавий оламида кескин ўзгаришларга сабаб бўлди. Собиқ шўро тузуми даврида номлари ва маънавий мероси тарих қатлари орасида қолиб кетган алломаларимиз, авлиёларимиз шаъни шавкати қайта тикланиб халққа тақдим этилмоқда.

Бугунги кунда ёш авлодни баркамол авлод бўлиб етишишида буюк алломаларимиз тўплаган ҳадислар, ўғитлар, ҳикматлар сув ва ҳаводай зарур бўлмоқда. Шу боис, алломаларимизнинг бир - бирлари билан олиб борган ўзаро дўстона муносабатлари тарихини, моҳиятини ўрганиб, улардан фойдаланишни давр тақозо этмоқда.

Авлиёлар пири Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггароний ва у кишининг шогирдлари Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ўрталаридаги муносабатлар ва учрашувларни, бўлиб ўтган суҳбатларни манбаларга ва ҳозирги замон тарихчи, этнограф ва археологларнинг асарларига [1] таяниб изоҳлайдиган бўлсак, ул зотларнинг нақадар баркамол инсон, улғу авлиё ва қутби замон бўлганликларини билиб оламиз.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг устозларидан бири бўлмиш Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггароний - буюк авлиё, улкан аллома, атоқли тарбиячи, хожагон - нақшбандия тариқати ривожига муҳим ҳисса қўшган соҳибқаромат зот эдилар. У киши тахминан 1312 йилда Навоий вилояти Ҳазора қасабасидаги Деггарон қишлоғида туғилганлар.

Жуда кўп манбаларда Хожа Ориф Деггароний ва ул зотнинг шогирдлари Баҳоуддин Нақшбанд билан бўлган учрашувлари ҳақидаги фикрлар келтирилган. Бу иккала буюк зот ҳам Ҳазрат Амир Кулолнинг асҳобаларидан, яъни шогирдларидан бўлиб, Саййид Мир Кулолнинг эътироф этишича, улар авлиёлик даражасига етган зотлардан эдилар.

Ҳазрат Амирнинг саҳобалари ичида Хожа Баҳоуддин ва Мавлоно Ориф Деггаронийларга тенг келадигани бўлмаган. Уларнинг ҳар иккиси ҳам Ҳазрат Амирнинг бошқа шогирдларидан ўзиб кетган. Хожа Баҳоуддин етти йил мобайнида Ориф Деггароний ҳузурларида бўлиб, улар биргаликда меҳнат қилганлар, турли юмушларни бирга бажарганлар. Шу фурсат мобайнида улар ўртасида ажиб суҳбатлар, ўзаро фикр алмашишлар бўлиб ўтган. Ҳазрат Баҳоуддин ўзларига устоз деб билган Мавлоно Ориф Деггаронийга нисбатан юксак ҳурмат бажо келтирганлар. "Етти йил давомида мен ул зотдан юқорида туриб таҳорат этмадим, ул киши қадамлар изига қадам босмас эдим" [2], - деб Ҳазрат Баҳоуддин ўзлари ва устозлари ўртасидаги ўзаро ҳурмат - иззат ва инсонийликнинг киши илғамас жиҳатларини таъриф этганлар.

Ҳазрат Баҳоуддин билан Мавлоно Ориф Деггаронийларнинг биринчи учрашувлари ҳақида "Нақл этилишича, Ҳазрат Хожамиз қуддуса сирриху сулук бошида Хожа Муборак қишлоғида Мавлоно Баҳоуддин Қишлоқий ҳузурларида хизматда эдилар. Ҳазрат Баҳоуддин Қишлоқий: "Сиздек баландпарвоз қуш ёнида



Ориф Деггароний ҳам бўлмоғи керак!" дедилар. Ҳазрат Хоҷамиз: "Кошки Ҳазрат Ориф Деггароний суҳбатлари бизга тезроқ муяссар бўлмай эди" дедилар ва Ҳазрат Хоҷамиз қўнгулларига Мавлоно Деггаронийнинг суҳбатларига етишиш завқи аланга олди. Мавлоно Ориф эса шу фурсатда Деггаронда бўлиб, ўз ерларига чигит экаётган эдилар.

Мавлоно Баҳоуддин Қишлоқий Хоҷамизга: "Агар Орифни кўрмоқни хоҳласангиз, у кишини ҳозир чақирамиз", - дедилар - да, томга чиқиб уч бор "Мавлоно Ориф!" дедилар. Шу пайт Мавлоно Ориф даладан чиқиб, "Мени Мавлоно Баҳоуддин Қишлоқий чақиряптилар!" деб ёнларидагиларга айтдилар - у йўлга тушдилар ва Хожа Муборак қишлоғига етиб келдилар" [3]. Демак, С.С.Бухорий ва С.Азимовларнинг "Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггароний" асарига асосланиб фикр юритадиган бўлсак, иккала буюк зотнинг илк учрашувлари Хожа Муборак қишлоғида Мавлоно Баҳоуддин Қишлоқий ҳузурларида бўлган...

Бошқа манбалардаги шаклларда айтилишича, улар бирга бўлганларида ҳам ёки айри бўлганларида ҳам бир - бирларга ҳурматларини, баодоблик хислатларини сақлаган ҳолда муносабатда бўлганлар. Яна Ҳазрат Баҳоуддиннинг қуйидаги сўзлари ҳам Мавлоно Ориф билан улар ўртасидаги дўстона муносабатларнинг нечоғлик буюклигини ва Мавлоно Орифнинг тариқат аҳли орасида юқори даражада туришлигини кўрсатади. Фахриддин Али ибн Ҳусайин ал Воиз Кошифий томонидан ёзилган "Рашаҳоту айнул ҳаёт" китобида: "Биз икки бор ҳаж сафарига бордик, кўп мамлакатларда бўлдик, бисёр азиз (авлиё)лар суҳбатига етишдик, лекин, агар Мавлоно Орифдек кишини ўша ерларда топмаганимизда эди, ҳаргиз бу ерларга қайтиб келмас эдик!" Ҳазрат Баҳоуддиннинг бу сўзларидан шундай фикрга келишимиз мумкинки, ҳар иккала зот ҳам баркамол инсон ва қутби замон бўлганликлари боис бир - бирларига интилиб яшаганлар.

Мавлоно Ориф Деггароний, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандлар улар авлиёлар ва пири комил инсонлар бўлиб, улар халқни ўнқир - чўнқирсиз бўлган тўғри йўлга бошловчилардир. Буни Ҳазрат Баҳоуддиннинг қуйидаги ҳикматлари тасдиқлайди: "Суҳбатимизга келганларнинг баъзиларининг қалбида муҳаббат уруғи бор, лекин бу уруғнинг гуркираб ўсишига халақит берувчи хас - хашаклар мавжуд. Бизнинг вазифамиз уларнинг қалбларини хасу хашакдан покизалашдир. Лекин, баъзи суҳбатга келганларнинг қалбида муҳаббат уруғи умуман йўқ. Биз уларнинг қалбига муҳаббат уруғини сепамиз". Фиримизча, ҳар иккала буюк зот ҳам инсонлар қалбига яхшилиқлар, самимият, дўстлик уруғларини сепиб, комил инсон тарбиясида беназир бойликни мерос қилиб қолдирганларки, бундан ҳозирга қадар инсон зоти баҳраманд бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Запискин Б.Н. Архитектура Средней Азии. Т., 1948. Пугаченкова Г.А. Социалистик мамлакатлар ёдгорликлари. Т., 1956. Нильсен В.А. Монументальная архитектура Бухарского оазиса XI - XII в.в. 1956. Шишкин В.А. Архитектурные памятники Бухары. Т. Ҳасанова Ҳ. Наврўзова Г. Ҳазрат Саййид Амир Кулол. Бухоро. 1998.

2. С.С.Бухорий. С.Азимов. Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггароний. Бухоро. 2004. 27 - бет.

3. С.С.Бухорий. С.Азимов. Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггароний. Бухоро. 2004. 32 - бет.



KIMYO FANIDAN MUAMMOLI TA'LIM DARSLARINI TASHKIL ETISH

Narkulova Ma'mura Nizomiddinovna

TDSI akademik litseyi kimyo fani oliy toifali o'qituvchisi

O'quvchilarda kimyo faniga bo'lgan qiziqish va mehr, shu predmetga mas'uliyatli munosabat uyg'otish, kimyo fanining hozirgi davrdagi roli va o'rni haqida to'g'ri tasavvur shakllantirishni aynan o'qituvchi bajaradi. Bunday mas'uliyatli vazifani bajarish uchun o'qituvchining o'zi yangi pedagogik texnologiya va uning vazifalariga bo'lgan talablarini egallashi kerak. Kimyo fanining pedagogik funksiyasi uning insonni umumiy ta'lim olishdagi asosiy vazifalarini aniqlashdagi xususiyatlari bilan aniqlanadi. Bular:

1. Ilmiy dunyoqarash asosini tashkil qilish. 2. O'quvchi fikrini rivojlantirish. 3. O'quvchilarni amaliy faoliyatga, mehnatga nisbatan bo'lgan ta'limini davom ettirishga tayyorlash.

Umumiy o'rta ta'lim maktablari, akademik litseylar kimyo ta'limi standarti -kimyo o'quv predmetidan o'quvchilarga beriladigan bilimlar miqdori, o'quvchilar egallaydigan bilim, hosil qiladigan amaliy ko'nikma va malakalar hajmini ko'rsatuvchi me'yor bo'lib, umumiy o'rta ta'lim maktablaridagi kimyo ta'limi negizini belgilovchi ko'rsatkichlar o'quvchilarning kimyo ta'limidan tayyorgarlik darajasiga qo'yiladigan talablar majmuasidan iborat bo'lgan hujjat tariqasida tasdiqlanadi va xizmat qiladi.

Umumiy o'rta ta'lim va akademik litseylarda o'quvchilar oladigan bilimlarning zarur hajmiga asos soladi, o'quvchilardagi tashkilotchilik qobiliyati, malakalari va amaliy tajribasini ruvojlantiradi. Davlat ta'lim standartlarida kimyo ta'limi sohasida quyidagicha standartlar belgilangan: Kimyo ta'limi sohasiga o'quv rejasida VII- XI sinflar uchun 408 o'quv soati ajratilgan bo'lib, o'tgan o'quv yiliga nisbatan X va XI sinflarda dars soatlarining ko'payishi kimyo faniga qo'yilayotgan talablarning oshishidan bir darakdir. Bu jarayon akademik litsey o'quv jarayonida ham davom etadi.

Dars soatlarining sinflar bo'yicha taqsimoti quyidagicha:

Sinflar	VII sinf	VIII sinf	IX sinf	X sinf	XI sinf
Haftalik o'quv soati	2 soat	2 soat	2 soat	3 soat	3 soat
Yillik o'quv soati	68 soat	68 soat	68 soat	102 soat	102 soat

Ta'lim jarayonida kimyo fanining rivojlanuvchi faollik xususiyatini:

1. Muammoli ta'lim.
2. Ko'rgazma va o'qitishning texnika vositalari.
3. Egallangan bilimlarni doimiy nazorat qilishi.
4. Mustaqil ishning xilma -xilligi.
5. O'quvchilarga yakkama - yakka yondashuv kabilar yanada oshiradi.

Muammoli ta'lim o'quvchini rivojlantirish manbai bo'lib xizmat qiladi. Muammoli ta'limning mohiyati va uni hozirgi ta'lim jarayoniga olib kirishning zarurati nimadan iborat?

Hozirgi fanlarning qo'shib ketishi, ilmiy texnikaning o'sishi sharoitida ta'limning rivojlanuvchi funksiyasi ham o'shib bormoqda. Ta'lim jarayoni o'quvchiga faqat tayyor bilimlarni berish bilan chegaralanmasdan o'quvchida tafakkur qirralarini o'stirish unda dialektik fikrlashni mustaqil ishlash ko'nikma -malakalarni hosil qilish kerak. Zarurat esa ana shu maqsaddan kelib chiqadi. Muammoli ta'lim -



rivojlanuvchi o`qitishdir. Insonda qachonki nimaningdir mohiyatini tushinish, anglash ishtiyoqi tug`ilsa shundagina fikr yurita boshlaydi, unda bilim o`rganish egallashga intilish paydo bo`ladi. Bunday intilish muammoli ta`lim jarayonida hosil bo`ladi. O`qituvchi shu jarayonni o`quvchida hosil qilgach va vazifalar nimadan iborat ekanligini anglagach endigi vazifa muammoli ta`limdan qachon va qanday foydalanishni o`z oldiga maqsad qilib qo`yadi.

Asosiy vazifa muammoli ta`limni joriy etish jarayonida ,avvalo, ta`lim mazmunini tahlil etib chiqish va undan muammolarni ajratib tushinib olish, keyinesa ularni bir - biriga bo`ysundirish darajasida tartib bilan joylashtirishdan iborat. Bu tartib tizimlilik holatini keltirib chiqaradi, tafakkur rivojlanishi uchun eng muhim sanaladi. Kimyo ta`limida o`quv muammolarini keltirib chiqarish usullari yo`llari mavjud o`quv muammolarini nazariyalar va faktlar, nazariyalar va tushunchalar, alohida tushunchalar orasidagi bog`liqlik orqali tushuntiriladi, hamda ajratib olinadi.

Muammoli ta`lim bosqichlari quyidagilardan iborat:

Birinchi bosqich - Muammoni tushunishga tayyorgarlik. Bu bosqichda bilimlarni faollashtirish, muammoni yechish uchun kerakli bilimlarni eslash fikrlash yechiladigan muammo uchun kerakligini ajratib olish:

Ikkinchi bosqich - Muammoli holatni vujudga keltirish. Bu vaziyat muammoli ta`limning eng javobgarligi muhim va murakkab bosqich hisoblanadi.

O`quvchi bu bosqichdan o`qituvchi tomonidan o`z oldiga qo`ygan muammoni muhimligini tushinishi yoki o`zidagi bilimlar bilan uni yecha olmasligini anglab yetib, yangi bilimlarga zaruriyat sezishi va shu bilimlar bilan uni yecha olmasligini anglab yetib, shu bilimlarni egalashi lozim. Muammo o`quvchiga aniq bo`lishi uning bu muammoni yechishiga imkon beradi.

Uchinchi bosqich - muammoning aniq ifodalanishi kelib chiqqan vaziyat muhitining natijasidir. O`quvchi qanday savolga javob qaytarishiga o`z kuchini qaratsin. Bilimga qaratilgan bu vazifani o`qituvchi o`quvchilar oldiga qo`ya bilishi kerak. Agar o`quvchi doimiy ravishda muammolarni yechib kelgan bo`lsa, muammolar yechimiga o`zi kela biladi.

To`rtinchi bosqich - muammolarni yechish jarayoni u bir necha pog`onada amalga oshadi:

- a) bashoratlarni ilgari surish;
- b) har bir muammoni tekshirishning rejasini tuza bilish;
- v) muammoning tasdiq topishi.

Beshinchi bosqich - Tanlangan yechim to`g`riligini isbotlash, agar imkon bo`lsa, amaliyotda ko`rsatish. Bunday muammoli vaziyatlarni tashkil etish o`qituvchidan katta mahorat talab etadi.

Bitta darsda muammoli harakatlarning barcha bosqichlarini qo`llash shart emas. Muammoli harakatlarning yoki o`quvchilarni chalg`itib bilimlarining mustahkamligini sinash uchun to`g`ri natijalar ham berishi mumkin.

Xullas, o`quvchi muammo sabablarini izohlab berishga o`rgansin. Muammoli ta`limning eng samaradorligi uning rivojlantiruvchi xususiyatidir. Demak, muammoli ta`lim o`quvchi rivojlanishi uchun asosiy manba bo`lib hisoblanadi.



BAHSNI TO'G'RI OLIB BORISH USULLARI

Rahmonova Dildora Mirzakarimovna
dildorarahmonovatsul@gmail.com
TDYU Ixtisoslashtirilgan filiali o'qituvchisi

Annotatsiya: Mazkur maqolada bugungi kunda ijtimoiy hayotda ham, o'qitish jarayonida ham muhim ahamiyatga ega bo'lgan bahsga kirishish odobi, qonuniyatlari haqida fikr yuritiladi. Shuningdek, ritorikada bahsni turli omillarga ko'ra tasniflashga ham e'tibor qaratiladi.

Tayanch so'zlar: bahs, polemik mahorat, bahs tasnifi, haqiqat, ishontirish, munozara, mubohasa, debat.

Mustaqillik, dadillik? yaxshi xislat, biroq unga xudbinlik aralashsa baloi azimga aylanishi mumkin. Xushro'ybibi o'z baxti uchun kurashadi, shaxsiy manfaatlari yo'lida hech narsadan qaytmaydi., birovlarining ko'z yoshlari hisobiga, o'zgalarning baxtiqaroligi evaziga o'z baxtini tiklaydi. Romandagi O'zbek oyim obrazi ham nihoyatda tabiiy va go'zal siymolardan biridir. Dumbul tabiat bu ayol ayol o'g'li Otabek, qolaversa kelinlari Kumush, Zaynab taqdirlarining chigallashib ketishi, oxiri fojiaga yuz tutishida bosh sababchi ekani ayon. Biroq har qancha gunohkor bo'lmasin, o'ta andishali, adib uni keskin qoralashga tili bormaydi. Nima bo'lganda ham bo'lganda ham, O'zbek oyim, baribir ona.. Ayni paytda rostgo'y yozuvchi onaning palapartish, dovdur xatti-harakatlaridan, tabiatidagi ayrim kamchiliklaridan ko'z yumib o'tolmaydi. Bu borada adibga xalqona yumor qo'l keladi. Bu obraz tasviri boshdan-oyoq ajib, serjilo? ham kinoya-kesatiqlarga, ham ardoq-mehrga to'la yumor bilan yo'g'rilgan.

Xullas, "O'tkan kunlar" romani to'qima qahramonlarning hayotiylik kasb etishi va tarixiy voqealarga uyg'unligi jihatidan ham o'zbek adabiyoti xazinasidagi durdonalar qatoridan o'rin olgandir. "O'tkan kunlar" o'zbek adabiyotida ilk roman bo'lishining o'zi bilanoq ilgari bosilgan katta qadam edi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

- 1) A.Qodiriy O'tgan kunlar. Toshkent. "Yoshlar nashriyoti uyi", 2018y.
- 2) Tohir Malik, O'tgan kunlar (maqola), 1994.
- 3) Xalq so'zi.uz. O'tgan kunlar ibрати



ДИДАКТИКАДА ТАЪЛИМНИНГ ИЗЧИЛЛИГИ

Shodmanova Saboat Sattorovna

Қашқадарё вилояти, Карши шаҳар 43- сонли мактаб директори.

Аннотация: Мақолада ҳозирги вақтдаги илмий-техникавий жараён инсониятга янги имкониятлар яратилиши, таълимда узвийлик ва изчилликни таъминлаш масалалари долзарблиги таъкидланади. Дидактика масалалари, лингводидак-тика, дидактикада таълимнинг изчиллик назарияси масалалари ва чет тил таълимида изчилликни таъминлаш бўйича мавжуд манбаларни ўрганиш, уларни теран таҳлил этиш ва ўз вақтида тўғри хулоса чиқариш айти пайтда жуда муҳим ҳисобланади.

Калит сўзлар: таълим методлари, ахборот технологиялари, дидактика, лингводидактика, чет тили, лингвистика, ўқитиш воситалари, таълимда изчиллик.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг янги сифат босқичига қадам қўйди. Унинг тараққиётини таъминловчи устувор соҳа кадрлар тайёрлаш тизими бўлиб, унинг асосини узлуксиз таълим ташкил этади. Узлуксиз таълимнинг жорий этилиши муносабати билан таълимда узвийлик ва изчилликни таъминлаш масалалари яна долзарб муаммолардан бирига айланди. Узлуксизлик, маълумки, Давлат таълим стандартлари (ДТС) ва ўқув дастурларининг мазмунидаги изчиллик асосида таъминланади. Чет тилларни мукамал биладиган, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш таълим муассасаларида изчилликни таъминлашга бевосита боғлиқдир. Бинобарин, мамлакатимизда олий ва ўрта махсус таълим савиясини жаҳон андозалари даражасига етказиш учун илғор давлатлар тажрибасидан оқилона фойдаланиб, юксак малакали мутахассислар етиштириб боришда таълимнинг узлуксизлиги ва ундаги изчиллик алоҳида аҳамият касб этади.

Дидактика таълим мазмунини танлаш муаммолари билан шуғулланади, таълим принципларининг қўйилиши, таълим методлари ва воситаларининг қўлланилишини ишлаб чиқади. XVII асрнинг бошларида олмон тилшунос олими Вольфганг Ратихий-Ратке (1571-1635) "дидактика" атамасини биринчи бўлиб "ўқитиш санъати" маъносида қўллаган. Дидактика юнонча "дидактикос" сўзидан олинган бўлиб, мактабга нисбатан "дидаскалайон", таълим (ўқитиш/-ўргатиш) "дидаскалия", ўқитувчи "дидаскалос" атамалари ишлатилган.

Изчиллик дидактик принцип бўлганлиги сабабли, биз тадқиқотимизда кўпроқ изчилликни таъминлашнинг лингводидактик асосларини ҳисобга олдик. XX асрнинг иккинчи ярмида тилларни ўқитишга бағишланган илмий-методик адабиётларда "Лингводидактика" атамаси қўлланила бошланди. Лингводидактика ўзбек тилида "Тил таълимшунослиги", ? деб ҳам юритилмоқда. Унинг кўп тилларни ўргатиш, ўқувчиларнинг тил тажрибаси, тил назарияси, нутқ фаолияти ва бошқа ўзига хос муаммолари мавжуд. Лингводидактика тилларни ўқитиш-нинг умумий назарияси ҳисобланади.

Она тили, иккинчи тил ва чет тил - ҳар учаласида ҳам ўқувчи нутқ фаолияти билан машғул бўлади. Уларнинг асосий вазифаси мазкур тилларда ўқувчиларга маълумот бериш ва олиш кўникма ва малакаларини сингдиришдан иборат. Лингводидактикада таълим жараёнида рўёбга чиққан мақсадлар, ўзлаштирилган мазмун ва қўлланган ўқитиш методи яққол сезилиб туради.

Чет тили ўқитишда лингводидактика, психолингвистика қонуниятларини ҳам ҳисобга олади, чунки таълим жараёнини тўғри ташкил этиш кўпгина психо-



логик омилларга боғлиқ. Жумладан, мазкур фаннинг тадқиқот объекти ўқувчи ва таълим жараёни ҳисобланади.

Лингвистика (тилшунослик) фани тилнинг тузилиши ва вазифаси билан шуғулланиб, тилнинг пайдо бўлиши, қандай қурилганлигини, ривожланиши, мулоқот жараёнидаги ўрнини тадқиқ қилади.

Методика фанни ўрганиш/ўргатиш масалалари ва таълим жараёни билан машғул бўлади. Лингвистик билимлар дидактиканинг мақсадига мослашиб олганлиги икки тилли луғатлардан маълум. Масалан: *gut* - яхши; асл, тоза; хуш-фёъл, раҳмдил, *gute zwei Monate* роса икки ой. Бу луғатда сўзнинг хусусий маънолари умумий маънолари билан қўшилиб кетганлиги кўриниб турибди.

Ўқувчи нутқда "*gut*" сўзини учратганида, тафаккурида ниманингдир ижо-бий томони эканлиги тўғрисида ва шу сўз билан бошқа предметлар ўртасида ассоциация (фикран боғланиш) рўй беради.

Таълимда изчиллик барча лингвистлар, психоллингвистлар ва методистлар томонидан тан олинсада, лекин ҳалигача бу муаммонинг ҳар томонлама ишланган назарияси мавжуд эмас. Таълимда изчиллик бўйича шуғулланганлар, - "изчиллик таълим принципларини кўчириш орқали юзага келади", - деб қайд қилишса, бошқалари мактаб ва олий мактабда лексика, грамматика ва талаффузни ўргатишдаги изчиллик бўйича қисқа тавсиялар беришади. Изчиллик - "из" сўзидан олинган бўлиб, изидан, изма-из, кетма-кетлик маъноларини билдиради. Изчиллик - табиат, жамият ва тафаккурнинг ривожланиши жараёнидаги ҳодисалар ўртасидаги алоқаси бўлиб, эскининг баъзи элементларини ўзида сақлаб қолган янгилик ҳисобланади. "Янги қанчалик илғор бўлсада, у йўқ жойда пайдо бўлмайди, эскининг қобиғида аста-секин шаклланади. Шунинг учун эскидан янгига ўтиладиганда эски бутунлай ташлаб юборилмайди, балки унинг ижобий томонлари сақланиб қолади ва ривожланишни давом эттиради. Демак, янги билан эски ўртасида ворислик мавжуддир". Фалсафада изчиллик ва ўзаро боғланиш - эски билан янги ўртасида алоқа ўрнатиш демакдир. Изчиллик ва ўзаро боғланиш тараққиётнинг бир давридан иккинчи даврига ўтишни билдиради.

Педагогикага оид адабиётларда: изчиллик - кечаги ўтилган материал ёки мавзунинг бугунгиси билан ўзаро мантиқий тарзда боғланиши ва эртаги ўтиладиганларга замин ҳозирланишидан иборат, деб таъриф берилади. Демак, изчиллик эски ва янги билимларнинг, аввалги ва ҳозирги тажрибаларнинг ўзаро таъсирини билиш ёки ўқувчиларнинг ривожланиш жараёнини англаш йўли билан белгиланади. Ўрганганларни янги, янада юқори даражадаги билимлар билан боғлаш, янги алоқалар ўрнатиш орқали билим, кўникма ва малакалар сифати ошади. Ижтимоий тараққиётнинг ҳар бир давридаги мактабнинг тарихий тажрибаси таълимнинг вазифаларини маълум бир тизимсиз бажариб бўлмаслигини кўрсатди.

Изчиллик бизга авлодларимиздан мерос бўлиб қолган. Я.А.Коменский биринчи маротаба кетма-кетлик, тизимлиликка асос солган бўлиб, у ўзининг "Буюк дидактика" асарида шундай ёзади: "Табиатдаги ҳаракатлар бир-бирига боғлангани сингари ўқитишда ҳам ўргатиладиган нарсаларнинг ҳаммаси бир-бири билан узвий равишда боғлиқ бўлиши керак".

Дидактикада таълимнинг изчиллик назарияси масалалари ва чет тил таълимида изчилликни таъминлаш бўйича мавжуд манбаларни ўрганиш, уларни теран таҳлил этиш ва ўз вақтида тўғри хулоса чиқариш айти пайтда жуда муҳим ҳисобланади.



Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000. - 246 б.
2. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. - Т.: Шарқ, 1999, 5-махсус сон. - 480 б.
3. Концепция непрерывного образования по иностранному языку // Учитель Узбекистана. - Ташкент, 1993. - № 26. 28 июля - 3 августа.
4. Бим И.Л. Теория и практика обучения немецкому языку в средней школе: Проблемы и перспективы. - М.: Просвещение, 1988.



TILNI TARTIBGA KELTIRISH-ENG ZARURIY VAZIFA

Lobarxon Ibragimovna

Namangan viloyati To'raqo'rg'on tuman XTBga qarashli
1-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi ona tili va adabiyot fan o'qituvchisi
"Do'stlik" ordeni sohibi Rustamova

Dunyoda tilsiz xalq yo'q, chunki tilning tirikligi millatning mavjudligiga bog'liq. Har bir insonning ismi bo'lganidek, har bir tilning ham nomi bor. Ona tili millat birdamligini ifodalovchi bosh timsol hamdir.

Qadimgi xitoy allomasi Konfutsiydan "Agar sizga vakolat berilsa, nimani kechiktirib bo'lmaydigan ustuvor vazifa, deb hisoblagan bo'lardingiz?" - deya so'rashganida u: "Tilni tartibga keltirish eng zaruriy vazifadir", - deb javob bergan ekan.

Asrlar davomida sayqallanib, shakllanib kelayotgan o'zbek tili o'ziga xosligi bilan o'zga xalqlar tilidan ajralib turadi. Bugun o'zbek tili yurtimizning davlat tili sifatida davlatimiz ramzlari qatorida e'zoz va ehtiromga sazovordir. Davlat va millatning o'ziga xosligini ifodalovchi xususiyatlari uning ramzi, tili, qadriyat va an'analari hisoblanadi. Ular orasida til alohida o'rin egallaydi. Binobarin, til-millatning ma'naviy boyligidir.

1989-yil 21-oktabrda o'zbek tiliga davlat tili maqomi berildi. Buning barobarida xalqimizning asriy orzulari ushalib, ming yillik qadriyatlarini o'rganish va targ'ib etish uchun keng imkoniyat yaratildi. Bugun mustaqillik bois paydo bo'layotgan yangi tushunchalarni ifodalash uchun o'zbek tilining o'z ichki imkoniyatlari to'laligicha ishga solinmoqda, xususan, yangi so'zlar yasalamoqda. Masalan, dasturchi, ahdnoma, kafolatnoma, idoralararo, nodavlat, mahalliy lashtirish kabi.

Tildagi o'sish va ulg'ayishlarning xolis va birlamchi ko'zgusi uning lug'at boyligidir. Jamiyatdagi har qanday o'zgarishlar, eng avvalo, aynan xuddi shu boylikda o'z aksini topadi.

Mashhur adib Tohir Malik uqtirganidek: "Til-so'z uchun, yurak, ko'ngil esa, shu so'zdan lazzatlanish uchun berilgan. Shu tufayli to'g'ri, rost so'zni so'zlash uchun tilni tebratmoq kerak. Egri, yaroqsiz so'zlarni tashqariga chiqargandan ko'ra, tilning harakatsiz qolgani ma'qul."

Ona tilini o'rganish, unga bo'lgan munosabat vatanparvarlik hisoblanadi. Kundalik muloqotda, ommaviy axborot vositalarida o'zbekona nutq madaniyati to'liq ifodasini topishi zarur. Tilga e'tibor faqat til bayramlaridagina emas, balki har kuni, har daqiqada davom etishi kerak.

Jamiyat hamiyatining himoyachisi eng avvalo, ona tilidri, chunki millatning bosh belgisi til bo'lib, unga har qanday nopisandlik bevosita jamiyatga nisbatan hurmatsizlik tarzida idrok etilmog'i tabiiy. Ona tiliga har qanday dahlni til o'z hamiyatiga dahl deb biladi. Hamiyatli odamgina ona tilining cheksiz ohangidan faxrni his eta oladi.

A.Navoiy "Muhokamat ul-lug'atayn" nomli asarida so'zni durga qiyoslaydi, dur dengiz qa'rida bo'lganidek, so'zning makoni inson ko'nglida.

Shoir shunday deydi: "So'z durining tafoviti mundin dog'I beg'oyatdir va martabasi bundin ham benihoyatroqdir". Shoir har kim aytgan so'zi uchun mas'uliyat his etishi, so'zlashish odobini bilishni ta'kidlab, ona tiliga e'tiborli bo'lishga chaqiradi. Bundan tashqari, Alisher Navoiy so'zlarning ko'p ma'noliligiga e'tiborini qaratadi. Birgina "yig'lamoq" so'zining 99 ma'nodoshini qo'llaydi. O'zbek tilini boshqa tillardan qolishmasligini isbotlash maqsadida "Xamsa"ni turkiyda yozadi.

Mumtoz adabiyotimizda ko'plab she'riy san'atlar mavjud, ammo tuyuq barcha she'riy san'atlar ichida alohida ahamiyatli hisoblanadi. So'z mulkining sultoni, avliyolarning avliyosi



bo'lgan Navoiy tuyuqlardan o'rinli foydalanadi:

Yo rab shahdu shaker yolabdurur,
Yom agar shahdu shaker yolabdurur,
Ko'nglima payvasta novvat otgali,
G'amza o'qin qoshig'a yolabdurur.

Ushbu tuyuqqa e'tibor berilsa, "yolabdurur" so'zi uch marotaba takrorlanadi, ana shu so'z uch xil ma'noni anglatadi. Misradagi birinchi yolabdurur so'zi "yalamoq, yemoq" ma'nosida; ikkinchi yolabdurur so'zi kamon o'qini joylash ma'nosida; uchinchi yolabdurur so'zi esa, bu shakarmi, yo labmi ma'nosida qo'llanilgan. Ha, tilimizning imkoniyatlari haqida har qancha faxrlansak arziydi.

Shuning uchun ham Alisher Navoiy so'z qo'llash bo'yicha dunyoda birinchi o'rinda turadi.

Asrlar o'tib ayrim so'zlar o'z faolligini yo'qotadi, nafaol zaxiradan joy oladi. Ayrimlari esa bugungi kunda ham o'z faolligini yo'qotmaydi. Bobur "Boburnoma" da (2002-yil, 32-bet) aka so'zini ayollarga nisbatan qo'llanilganini aytib o'tgan: "Poyanda Sultonbegimni aka der edim. Gulbadanbegim onam o'rnida okam hazratlari birligini ishlatgan. "Boburnoma" dagi ushbu so'zalohida mavqega ega bo'lgan ayollarga nisbatan qo'llanganini asoslaydi. Bunday arxaik so'zlar boshqa asarlarda ham uchraydi.

Shunday ekan, tirikligimiz, mavjudligimiz va millatimiz, shajaramiz bardavomligi, kelajagimiz asosi bo'lgan ona tilimizni - navqiron, go'zal, jozibali, maftunkor, betakror, boy, qudratli o'zbek tilini qadrlash, e'zozlash, pokiza, sof saqlash har birimizning insoniy, farzandlik burchimizdir. Adabiyotshunos Ozod Sharafiddinov ta'kidlaganidek: "Tilni mensimaslik-millatni mensimaslik, vatanni mensimaslikni ko'rsatadigan o'ta noxush hol."

Hurmatli ustozim, NamDU o'zbek tili va adabiyoti kafedrasini professori, filologiya fanlari doktori Nosirjon Uluqovning ona tili va adabiyot fan o'qituvchilari aynan quyidagi vazifalarga amal qilishlari bugungi kundagi dolzarb vazifalardan biri ekanligi bot-bot yodimga tushadi:

1) o'quvchilarga ona tilining boyligini, go'zalligini, jozibasini va nozu nazokatini o'rgatish, singdirish asosida undan faxrlanish, quvonish hissini tarbiyalash;

2) o'gitlar, pand-nasihatlarni, maqollar tahlili va ibrat ko'tsatish asosida o'quvchilarda ona tilining softligi uchun kurashish ruhini shakllantirish;

3) axloq-odob mazmunini uyushtirishga mansub bo'lgan vatanparvarlik, xalqparvarlik, fidoyilik, tantilik, mehnatsevarlik, halollik, saxiylik, sado-qat kabi yuzlab so'zlarning lug'aviy-ma'naviy tahlili asosida o'quvchilarda yuksak ma'naviy, axloqiy fazilatlarini shakllantirish;

4) zamonaviy pedagogik texnologiya va innovatsiyalar asosida o'quvchilarga milliy qadriyatlar bilan bog'liq bilim, ko'nikma va malakalarni hamda ularda xalqona qadriyatlarga hurmat, sodiqlik hissini tarbiyalash

Shundagina hozirgi zamonaviy pedagogikaning talablariga muvofiq tarzda ona tili darslarida ta'lim-tarbiya uygunligi tamoyiliga amal qilingan bo'ladi.



ОБУЧЕНИЕ ГРАММАТИКЕ РУССКОГО ЯЗЫКА

Аминджанова Махбуба

учитель русского языка школы №51.

Аннотация - В статье излагаются научные взгляды на грамматику русского языка. Научные заключения основаны на фактах.

Ключевые слова: язык, грамматика, содержание, структура слова, аффикс, суффикс, стержень, суффикс, фьюжн, флексия.

Структура слова в русском языке более сложная, чем в узбекском. Русский и узбекский хорошо известно, что при сравнении содержания слов между ними есть большие различия будет В частности, в узбекском языке любое примитивное или искусственное слово стоит в единственном числе. Не делится на две части, основание и отделку.[1]

Неполная часть слова в этом примере имеет корневую морфему в формируется искусственный фундамент; рыба, рыбы, рыбе, рыбу, рыбой выглядит как а основа, состоящая из одной морфемы, называется изначальной базой. Значение некоторых слов в русском языке очевидно: стол, столом, столе, столик, настольный, столовая, застолье. Но таких слов мало формы. Большинство слов делятся на основы, основания и суффиксы. это трудно. Сравните следующие примеры: друг > do'st; друг+у > do'st+ga; друг+я > do'st+lar; друг+ям > do'st+lar+ga; друг+ба > do'st+lik; друг+бе > do'st+lik+ka.

Сравнивая примеры, можно сделать вывод, что: Во-первых, разные с добавлением аффиксов происходит фонетическое изменение ядра русских слов дам. В этом примере фонема g в основе иногда заменяется на z, а иногда на j. (Есть также слова, которые меняются с добавлением ядра более выражены: сон-сна, ден-дня, чёрт-черти).[2] В примерах в узбекских словах стержень не изменился. Правда, в узбекском тоже есть основы добавление насадок может привести к падению звука (местоположение, нос и т. д.). Но такие случаи редки. Однако у нас есть исключения из-за чего мы не можем оценить все единицы языка. Во-вторых, русские аффиксы имеют более одного грамматического значения. Например, аффикс -уам означает как множественное число, так и направленность. В узбекском языке суффиксы имеют в основном одинаковое грамматическое значение (суффикс га - j.k., lar - суффикс множественного числа), поэтому для создания такого значения оба суффикса добавляются к ядру по очереди. В-третьих, аффиксы в русском языке не имеют стандартной формы. В частности, маршрут значение не всегда образуется с суффиксом -уам. Например: столу stolga, лампе-lampaga, пути-yo'lga, школам-maktablarga.

Узбекские суффиксы и всегда имеют одинаковый внешний вид, направление всех слов в единственном и множественном числе Суффикс -га добавляется для образования будущего времени. В-четвертых, мы отдельно берем узбекские суффиксы, такие как -ning, -ga, -dan. мы также можем сказать, что это суффиксы винительного, винительного и винительного падежей. Грамматические функции русских окончаний можно определить только на словах. Например, "Девушка сояла у озера".[3] Мы не можем определить только суффикс -а. Поскольку первый суффикс -а - это род слова, единица, главный согласный что второе слово - это род, единица, определенное соотношение, неполный тип (неполная форма), это глагол прошедшего времени, а третье - слово средний род означает, что единица - лошадь в будущем времени.



В-пятых, русские слова не делятся на примитивные и искусственные в первоизданном виде. Однако каждая основа порождает разные категории слов. Работник узбекского языка, безработица, Если отделить корень от искусственного слова, например, рабочий, становится понятно, что это настоящая лошадь. В русском языке сам корень самостоятельно не употребляется и имеет лексическое значение поскольку это не так, оно делится на категории только в том случае, если принимает определенную словоформу. Например: *dat, davat -fe'l, zadacha, peredacha-at, dannuy-sifat* (даже во множественном числе используемый).

Шестое, сто, сто пятьдесят, иногда до двухсот слов на русском языке может быть сделано. Например, родина родини, родит, родитель, родной, родня, родственник, народ, народность, народный, народник, порода, рождение, более ста слов, таких как родился, урод, родник, уроджай, породистый, уродливый сформирован. В узбекском не так много односложных слов - 1520 может быть до

В-седьмых, в русском языке слово заменяется дополнительным способом (т. Е. Брат суффикс) при этом одно ядро может быть заменено другим ядром): я-меня, он-эго, хорошо-лучше, мы-нас, человек-люди, идёт-шёл. Рассмотренный выше языковой феномен связан с узбекским языком (т. Е. Агглютинативными языками). ученого А.А.Реформатского по агглютинации, флективным языкам на примере русского он назвал это явление слиянием.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ

- 1.Азизов О.А. Сопоставительная грамматика русского и узбекского языков. Морфология. Т., 1966;
- 2.Azizov O. Safaev A. Jamolxonov. O'zbek va rus tillarining qiyosiy grammatikasi. Т., 1986;
- 3.Намрайева У., Elmurodova L.O'zbek va rus tillarining qiyosiy tipologiyasi. Qarshi: "Nasaf", 2007.



МЕТОДИКА ПРЕПОДАВАНИЯ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА В ШКОЛЕ

**Мухтарова Лина Каримовна
Орзиева Нарина Салахитдиновна**

учителя английского языка школы 1. города Андижана
Андижанской области

Аннотация - В статье описаны научные взгляды на методологию изучения английского языка. научные мнения обобщаются на основе фактов.

Ключевые слова: методика, язык, развитие, речь, позиция, квалификация, образование, знания, школа, ученик, учитель.

Задачи курса методики и его места в системе профессиональной педагогической подготовки учителя иностранного языка. Предмет и объект методики. Общая и частная методики. Факторы, определяющие научную самостоятельность методики (предмет, система основных понятий, специфические методы исследования).

Общая характеристика методов исследования, используемых в методике как науке. Основные методические категории: принцип, метод, методический прием, способ, средство, система обучения, упражнения, система и комплекс упражнений. Зависимость методов, принципов, приемов и средств от целей и стадий обучения. Упражнения как главный компонент обучения иностранному языку.[1]

Связь методики обучения иностранным языкам со смежными науками. Дидактические основы обучения иностранным языкам.

Лингвистические основы обучения иностранным языкам. Язык и речь. Единицы языка и речи. Понятия "модель", "структура", "речевой образец". Речевой образец как исходная единица обучения устной речи. Данные контрастивной, текстуальной, коммуникативной лингвистики в обучении иностранным языкам.

Психологические и психолингвистические основы обучения иностранным языкам. Психологическая характеристика речи: устная и письменная речь, внешняя и внутренняя, рецептивная, репродуктивная и продуктивная речь. Процессы восприятия, внимания, памяти и мышления в обучении иностранным языкам.[2] Речевые действия и речевые операции. Структура процессов восприятия и порождения речевого высказывания. Психолингвистическая характеристика речевых умений говорения, аудирования, чтения и письма. Основные этапы овладения навыками и умениями. Интерференция и перенос навыков при обучении иностранным языкам. Роль и место родного языка в овладении и владении иностранным языком в средней школе.

Основные методические категории: принцип, метод, методический прием, способ, средство, система обучения, упражнения, система и комплекс упражнений. Зависимость методов, принципов, приемов и средств от целей и стадий обучения. Упражнения как главный компонент обучения иностранному языку.

Значение системы упражнений в обучении иностранным языкам. Различные подходы к разработке системы упражнений в отечественной и зарубежной методике. Структурные компоненты системы упражнений. Упражнения для введения иноязычного материала, формирования языковых и речевых навыков, активизации иноязычного материала в речевой деятельности (развитие речевых умений). Включение приемов коммуникативного, проблемного, компьютерного и игрового обучения и ТСО в систему (комплексы) упражнений.[3]

Структура упражнения. Типы и виды упражнений. Комплексы языковых, условно-речевых и речевых упражнений. Дифференцировочные, имитационные,



подстановочные и трансформационные упражнения. Анализ системы упражнений, используемой в действующих упражнения. Анализ системы упражнений, используемой в действующих учебниках по иностранному языку. Оценка эффективности упражнений.

Краткий исторический обзор методики обучения иностранным языкам в России и за рубежом XIX и начала XX вв. Переводные и прямые методы. Социальные и экономические причины, психологические и лингвистические предпосылки возникновения переводных и прямых методов. Грамматико-переводной и текстуально-переводной методы в России и за рубежом (основные представители, цели, содержание, принципы и методические приемы обучения), критический анализ переводных методов.

Натуральный и прямой методы в России и за рубежом (основные представители, цели, содержание, принципы, методические приемы). Критический анализ методов, реформы.

Устный метод Г.Пальмера и метод чтения М. Уэста (цели, содержание, принципы, методические приемы, упражнения). Краткий обзор учебников. Смешанный метод в России и за рубежом.

Новые тенденции в обучении иностранным языкам за рубежом после второй мировой войны. Социальные и экономические причины, психологические и лингвистические предпосылки возникновения новых тенденций в методике. Неопрямизм в зарубежной методике.

Аудивизуальный и аудилингвальный методы (основные представители, цели, содержание обучения, принципы и методические приемы). Принципы построения учебников по этим методам.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ

1.Азимов Э.Г., Шукин А.Н. Словарь методических терминов (теория и практика преподавания языков). СПб., 1999.

2.Гальскова Н.Д. Современная методика обучения иностранным языкам: Пособие для учителя. М, 2000.

3.Колкер Я.М. и др. Практическая методика обучения иностранному языку М., 2001.



МАҲСУЛОТ ЁРЛИҚЛАР - РЕКЛАМАНИНГ БИР КЎРИНИШИ

Қодирова Зайнаб

Бухоро давлат университети Гуманитар йўналишларда чет тили кафедраси
ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ. Мақолада маҳсулот ёрлиғи бу рекламанинг бир кўриниши эканлиги хусусида фикр юритилган. Унинг турлари ва маҳсулот ёрлиғига қўйиладиган талаблар санаб ўтилган. Маҳсулот ёрлиғини лингвистик томонидан тадқиқ этиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ёрлиқларининг тил хусусиятлари (лексик, синтактик, морфологик) ўзбек материаллари асосида таҳлилга тортилган. Мақолада нон ва сут маҳсулотлар, консерва ҳамда қаҳва ва чой учун ёрлиқларининг матни таҳлил қилинган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: ёрлиқ, қадоқлаш этикаси, лексик, синтактик, морфологик белгилар, харидор, этикеткадаги ёзув, озиқ-овқат маҳсулотининг ёрлиқлари, қандолат маҳсулотларининг ёрлиқлари

АННОТАЦИЯ. В статье утверждается, что этикетка товара является формой рекламы. Его типы и требования к этикетке продукта перечислены. На основе узбекских материалов проанализировано лингвистическое изучение товарных этикеток, языковых особенностей (лексических, синтаксических, морфологических) пищевых этикеток. В статье анализируются тексты этикеток для хлеба и молочных продуктов, консервов, кофе и чая.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: этикетка, этика упаковки, лексические, синтаксические, морфологические признаки, покупатель, этикетка, пищевые этикетки, кондитерские этикетки.

ANNOTION. The article states that the product label is a form of advertising. Its types and product label requirements are listed. Based on Uzbek materials, a linguistic study of product labels, linguistic features (lexical, syntactic, morphological) food labels is analyzed. The article analyzes the texts of labels for bread and dairy products, canned goods, coffee and tea.

KEYWORDS: label, packaging ethics, lexical, syntactic, morphological signs, buyer, label, food labels, confectionery labels.

Ҳар қандай танишув манфаатлар ўхшашлиги ва бир йўналишлилиги билан юзага келади. Реклама харидорга ташкилот маҳсулоти ҳақида маълумот бериши билан бирга, ташкилот билан танишишга имкон беради. Маҳсулот ёрлиғи эса ўз номи ва маркаси билан таништиришдан бошланади. Рекламанинг ўзи имкониятдаги барча воситалар ёрдамида янги товар - маълумотлари ва уларнинг хусусиятлари тўғрисида маълумотларни етказишга хизмат қилади. Реклама товарни харидорга унинг эҳтиёжи ва тасаввурига қараб таклиф этади. Инсондаги бу тасаввурлар, аниқроғи унинг уч турдаги мотивлар - рационал, эмоционал, ахлокий ва уларнинг биргаликдаги таъсирлари билан боғлиқдир. Уларнинг таъсири эса реклама орқали таъминланади[1].

"Реклама" атамаси латинча "reclamare" сўздан келиб чиқиб, "нидо бермоқ", "этироз билдирмоқ", "қичқирмоқ", "норозилик билдирмоқ" каби маъноларни англатади. Инглиз тилида эса реклама "advertising" сўзи билан номланиб, "билдирмоқ" маъносини англатади. У харидор диққатини маҳсулотга (товарга, хизматга) жалб этиш ва маслаҳатлар, чақириқлар, таклифлар ва шу товар ёки хизмат қилиш бўйича кўрсатмалар сифатида тушунтирилади. "Реклама - ҳозирги замонамизнинг муҳим муаммоси. Реклама - бу ҳозирги замон савдоси ва саноатининг



яратувчисидир. Маҳсулотга рекламадан ташқарида бошқа ҳимоячи йук. Шунинг учун реклама - катта эҳтиёткорликни талаб этувчи жуда оғир санъатдир"[3]. Реклама хусусида қўлаб таърифлар мавжуд. Улардан айримлари куйидагичадир: "Реклама - ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг фаолият туридир. Саноат, хизмат кўрсатиш, корхона ва ташкилотлар томонидан берилган маълумотлар асосида ташкилотнинг маҳсулотларини реализация қилиш рекламанинг мақсадидир. Бунда харидорларнинг онгига оммавий ва якка тарзда таъсир этиб, керакли муносабатга(реакцияга) эришилади"[2].

Озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини ва ташқи кўринишини, сақланишини, ташиш ва савдога чиқариш санитарик-гигиеник шароитларини яхшилаш, ҳамда маҳсулотнинг тури ва нави, массаси, истеъмол қилиш ҳақида керакли маълумотларни баён этиш учун уларни замонавий материаллардан фойдаланиб қадоқлаш - долзарб вазифалардан биридир.

Қадоқлашнинг вазифаси, маҳсулотни ишлаб чиқаришдан истеъмол қилишгача бўлган даврда миқдорини, таркибини ва сифатини, истеъмолчилик хоссаларини ўзгаришидан ҳимоялаш, яъни маҳсулотнинг белгиланган меъёрлардан четга чиқишининг олдини олишдан иборат. Қадоқлашнинг бу вазифаси маҳсулотни механик, физик, кимёвий, об-ҳаво ва биологик таъсирлардан сақлашни назарда тутди.

Қадоқлашнинг хушбичим шакли, чиройли кўриниши нафақат қадоқланган маҳсулотни, балки уни ишлаб чиқарувчисини ва ҳатто ишлаб чиқараётган бошқа маҳсулотлар учун ҳам реклама воситаси бўлиб хизмат қилади. Баъзи ҳолларда қадоқлаш чиройли, хушбичим, такрорланмас кўри-нишда бўлиши талаб қилинса, бошқа ҳолларда оддий бўлиши талаб қилади.

Маҳсулотни қадоқлашда этикетка (ёрлиқ ёки махсус ёзувли маълумотлар) аҳамиятли ҳисобланади. Этикетка тайёрлаш учун асосан ГОСТ 7625 га кўра тўрт А, Б, В ва М маркадаги этикетка қоғозидан фойдаланилади. Уларга рангли этикеткалар муҳрлаш билан бирга зарур ҳолларда лаклаш ва босиб нақш солиш имконияти ҳам мавжуд. А маркадаги қоғознинг 1 м² массаси - 80 г ни ташкил қилса, Б ники - 70 г ни, В ники - 45 г ни, М ники - 100...120 г ни ташкил қилади. Маҳсулот ёрлиғи қоғозларидан ташқари ёзув, офсет, босмаҳона қоғозларидан ва юқори сифатли муҳрлаш учун мўлжалланган қоғоздан ҳам фойдаланилади. Ёрлиқлар варақ ҳолатида чиқарилиб, кейин алоҳида доналарга бўлинади. Қоғознинг намлиги 5...8 % атрофида бўлиши керак.

Маҳсулот ёрлиқларидаги ёзувларнинг тил хусусиятларига эътиборни қаратадиган бўлсак, ёрлиқ матннида сўз, сўз бирикмаси, гап ва унинг турлари учрайди[5].

Масалан, жайдари ундан тайёрланган жавдар нони ҳақида тўхталиб ўтсак, жайдари ундан тайёрланган жавдар нони қолипли ёки тагдонли, тортиб ёки доналаб сотиладиган ҳолда ишлаб чиқарилади. Бундай ундан оддий жавдар нонидан ташқари ферментлаштирилган (қизил) жавдар солоди, зираворлар қўшиб яхшилланган қайнатма жавдар нони, "Москва" жавдар нони, 80 % жайдари жавдар ундан, 15 % II навли буғдой уни ва қизил жавдар солоди, шакар, патока ва зиравор қўшиб, "Бородино" нонлари тайёрланади.

"Бородино" нон маҳсулоти ёрлиғида қуйидаги: хамиртуриш, шакар, таркиби, Тошкент, телефон каби сўзлар ва Тошкентча "бородинский" нони, ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқилган кун, соф оғирлиги, жавдар уни, жавдар ачитқиси, биринчи ва иккинчи нав буғдой уни, Маннор уйғур кўчаси каби сўз бирикмалари ҳамда "Лучшие сорта ржаной муки и солда - для вашего здоровья", "Изготовлено на оборудовании компаний Weschtel Германия" содда гаплари келтирилган. Ушбу маҳсулот ўзбекистонда ишлаб чиқарилган бўлиб, унинг ёрлиғидаги ёзувлар икки



тилда: ўзбек ва рус тилларда берилган.

Булочка маҳсулотларининг ёрлиқларига эътиборни қаратсак, маргарин, шакар, туз, сув, ванилин, хамиртуриш каби от сўз туркумига оид сўзлар ва кунгабоқар ёғи, шакар кукуни, палма ёғи, тухум меланжи, қулубнай ароматизатори каби содда сўз бирикмалари билан бирга олий навли буғдой уни, ванилинли кулупнай креми, қуйилтирилган сут маҳсулоти каби мураккаб сўз бирикмалари ҳамда "Ўзбекистонда ишлаб чиқилган", "Сақлаш шароитига амал қилинган ҳолда сақлаш муддати 3 ой", "Маҳсулотнинг сифатига оид саволлар бўйича қуйидаги электрон манзилган мурожаат қилинсин" каби гаплар ўз аксини топган. Ёрлиқларда МЧЖ, ОАЖ узб., ру. тел. каби қисқартма отлар билан бирга ҳисоб сўзлар ҳам учрайди: гр г, ккал, ой, фоиз, кун кабилар.

САРИЁҒ

Қадоқда учрайдиган ёзув: Қадоқда "енгил" (русчада: "мягкое" ёки "лёгкое") деб ёзилган бўлса, у сариёғ эмас, балки бутерброд маргарини бўлиши эҳтимоли юқори. Уни таркибида трансёғлар ёки сут ёғи бўлган ўсимлик ёғи ва ароматизатор ҳамда суюқ ўсимлик ёғидан тайёрлашади. Ҳақиқий сариёғнинг ёғи эса камида 70 фоиз бўлади.

"Парҳез маҳсулоти" - бу ёзув сариёғ ҳар қандай парҳезга тўғри келади, унда қанд, ёғ ва улғеводлар камайтирилган дегани эмас. У фақатгина маҳсулотнинг калорияси камлигидан далолат. Қоидаларга кўра, парҳез учун мўлжалланган маҳсулотнинг 100 грамида кўпи билан 40 ккал бўлиши лозим. Ёғи кам бўлган маҳсулотни излаётган бўлсангиз "ёғи камайтирилган": "fat free" (100 граммда кўпи билан 0,5 гр.) ёки "reduced or less fat" (ёғли маҳсулотлардан кўра ёғи 25 фоизга кам бўлади) деган ёзув бўлиши керак.

ЎСИМЛИК ЁҒИ

Қадоқда учрайдиган ёзув: "Холестеринсиз" - холестерин фақат ҳайвон ёғида бўлади. Ўсимлик ёғида у айрилмас ҳам бўлмаслиги аниқ!

"таркибида Е витамини бор" - Е витамини ҳар қандай доғланмаган, оқланмаган ўсимлик ёғида бўлади. Ҳатто бу ёзув йўқларида ҳам!

"Фитнесс-маҳсулот" - энг айёрона ёзув. Кўпинча у маҳсулотнинг калорияси паст эканини назарда тутаяди. Чунки трансёғлар юрак қон-томир тизимига зарар етказаяди ва ҳатто тана вазнини оширади. Шунингдек, фитнесс маҳсулотларда L-картинин - ёғларни йўқотишга ёрдам берувчи моддалар бўлиши мумкин. Бироқ ишлаб чиқарувчилар бунга фақат жисмоний зўриқиш натижасида эришиш мумкинлигини сир туташаяди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш жоизки, озиқ-овқат маҳсулотларини қадоқлашдаги ёзувлар (этикетка, ёрлиқ)да от, сифат, сон (ҳисоб сўзлар) каби сўз туркуми ва ҳоким аъзонинг ифодаланишига кўра исмли сўз бирикмалар, содда ва мураккаб сўз бирикмалар, бир таркибли содда гаплар қўлланилган. Шунинг учун маҳсулот ёрлиқларини тилшунослик нуқтаи назарда таҳлил этиш мумкин. Ёрлиқлардаги ёзувларнинг имловий ва услубий жиҳатдан тўғри ёзилганлиги тилшунос-олимларнинг вазифасидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. И.А. Каримов. "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари", Ўзбекистон: Тошкент, 2009, -486 б.

2. Багичева Н. Реклама, ее возникновение и некоторые сведения из истории ее развития. -М., 1969

3. Васиев М.Г., Васиева М.А., Мирзаев Ж.Д. Нон, макарон ва қандолат



маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўлланиладиган хом ашё ва материаллар. -
Тошкент: "Меҳнат". -2002. -192 б.

4. Васиев М.Г., Васиева М.А., Илалов Х.Ж., Саидходжаева М.А. Нон
маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси. Дарслик. -Тошкент. "Меҳнат", 2002. -
224 б.

5. Тоирова Г., М.Максудова. Лингвистические свойства этикетки. MATERI?LY
XV MEZIN?RODN? V?DECKO - PRAKTICK? KONFERENCE ZPR?VY V?DECK?
IDEJE .Volume 8, Praha Publishing House "Education and Science" -2019, -С. 20-22.



CLASSIFICATION OF PROVERBS AND SAYINGS IN COMPARATIVE TRANSLATION STUDIES

Muzaffar Obilov
English teacher

Folklore has always been dedicated to the national languages, competing with the words and writings of great thinkers. In addition, thinkers found themselves happy when their thoughts turned into winged emotions and were used side by side with proverbs in the daily communication of an entire generation. In proverbs and sayings, the expression of thought, national characteristics are more vivid. Knowing the proverbs in the language he created will help you not to get lost in a foreign language environment, will open the door to mutual understanding and trust, and will increase the reader's reputation in the field of language.

The enrichment and refinement of any national language is mainly due to the resources that make up that language. Each national language has its own vocabulary and grammatical structure, which develops, enriches and constantly strives for perfection, mainly on the basis of its own internal laws of development.

The current development of the science of literature shows that no nation can separate literature from other literatures and study it separately.

One of the problems a translator faces when translating proverbs and sayings is that he must be familiar with the customs, culture, and history of the people to whom the proverb he is translating belongs.

Proverbs, sayings, wise sayings, and idiomatic expressions are difficult to translate because they reflect the unique characteristics of each language. It is not easy to express such features with other language tools, of course, proverbs and sayings are a treasure trove of language.

The problem of translating phraseologies has been worked out quite perfectly in recent years on a number of bases of translation theory. For example, G. Salomov in his book "Proverbs and Idioms" and in his dissertation on this topic described proverbs and idioms, showing their differences, as well as the principles of translation into Uzbek. developed

We see the similarities and similarities between the proverbs and aphorisms observed in the translated works and the Uzbek folk proverbs and sayings. It is a testament to the friendship and mutual understanding that has existed between nations since ancient times. For example, "Swallow poison for your friend," "Avoid slandering your friend," "A foolish friend is worse than a wolf," and so on.

We find in the works of scholars and writers some ideas and considerations that the translation of phraseological expressions is a very complex task.

In the works of many writers, poets and scholars, it is emphasized that translating proverbs, sayings and idioms from one language to another is an important and complex task: "Each language has its own phrases, its own proverbs, phrases cannot be translated into other languages with alternative words" (A.S Pushkin); each language has its own tools and characteristics. In order to express an image or a sentence, it is sometimes necessary to change them in the translation (VG Belinsky).

Many of our idiomatic expressions are not reflected in our existing bilingual dictionaries, and many of them are limited to alternatives that are inconsistent and sometimes unrealistic. The creation of English-Uzbek, Uzbek-English dictionaries can eliminate the confusion of phraseology in the practice of translation.

There are proverbs and sayings in other languages that the wisdom that comes from



them is not reflected in the words in the embarrassed translation. There are many such proverbs and sayings. Thus, the wisdom reflected in many proverbs, parables, and idioms in other languages can only be realized by replacing them with alternatives in our mother tongue.

AV Fyodorov writes: "Thus, the original author of the translation, who moved to our side, will remain in force.

But neither this type of translation nor any other type that we travel to other countries can be universal. Not every one of them is crucial.

These types of translations are inextricably linked, one complementing the other, except in cases where the translation reaches the point of negation.

A firm decision in this regard always depends on the conditions under which we use the types of translation! "

In the process of translating proverbs and sayings, they can be translated and classified according to the following characteristics.

- Translation of idioms derived from the names of animals;
- Translation of phraseologies that reflect the object number and the relationship of numbers;
- Translation of phraseology from the names of the body parts of the object;

The content of certain events and happenings is understood through certain things and concepts. In the study of the phraseology of languages, to determine the names of things that people perceive as symbols of events.

This means that the name of an animal or bird, whether it is an object for a proverb or a parable, whether it moves for better or for worse, or its place in the household, is not determined by the benefits or harms it brings to man.

The English proverb "Hawks will not pick hawks eyes out" has an Uzbek equivalent of "qarg'a qarg'ani ko'zini cho'qimas"

In French it is interpreted as "Corbeux contre corbeuse he se crevent jamais lis yeux". The reason why this proverbial object corresponds to each other in different nations is that in almost all nations the crow is a symbol of unhappiness, war is a symbol of strife. That is why the people used the name of the crow when they created the proverb that "two evils do not harm each other." For example:

- The fish rots from the head;
- Do not burn the blanket bitterly;
- Death of a dog to a dog;
- Does not hurt ants;
- Turtle step;
- Satan's step;

The equivalents of 1,2,3,4 are based on the same object, while the objects of the second proverb are slightly different, but the sixth idiom is based on a completely different object.

The conclusion is that the figurative expressions of animal names are a linguistic reflection of man's long-standing relationship with the animal kingdom and his careful observations. They play an important role in the phraseology of any language.



КИБЕРЛЕКСИКОГРАФИЯ - ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ЯНГИ СОҲАСИ

Очилова Мехринисо Разоковна

Бухоро давлат университети Гуманитар йўналишларда чет тили кафедраси
ўқитувчиси

Ҳозирги вақтда компютерлар нафақат дастурчилар ва муҳандислар, балки хорижий маълумотларнинг тезкор таржимасига муҳтож бўлган тилшунослар, таржимонлар ва мутахассислар орасида тобора муҳим ўрин эгаллаб бормоқда. Шу муносабат билан, электрон луғатлар вақтни тежаш ва ўзга тилдаги маълумотларни тушуниш жараёнини оптималлаштириш учун жуда қулай восита ҳисобланмоқда. Бундан ташқари, эндиликда ўзга тилидаги матнларнинг кўпроқ ёки камроқ мос келадиган таржимасини ишлаб чиқарадиган ва турли соҳалардаги мутахассисларнинг ишига ёрдам берадиган таржима дастурлари ҳам мавжуд.

Ахборот технологияларининг ривожланиши жамият аъзоларидан техника ва технологияни пухта ўзлаштиришни, электрон луғатлар яратиш ва уларни самарали қўллаш, тадқиқотлар олиб бориш, ахборотни қайта ишлаш, улардан тўлиқ фойдаланиш кўникмаларига эга бўлишни талаб этади[3]. Лексикография соҳасининг компютерлашиши шуни кўрсатадики, фақат электрон луғатлар лексеманинг бутун моҳиятини тезкорлик билан ўқувчига етказиш имкониятини беради. Жамиятни ахборот технологияларининг қамраб олиши лексикографияда замонавий - киберлексикография йўналишининг пайдо бўлишига туртки берди. Маълумотларни қайта ишлаш тартибини автоматлаштириш, янги фаол лексикографик системаларни яратиш, бунинг натижаси сифатида анъанавий луғатлардан авто-матлашган (электрон) луғатлар яратишга ўтиш жараёнини тезлаштиришга олиб келади[4]. Шу боисдан ҳам, луғат тузишда ахборот технологиялардан кенг фойдаланилишга, уларни интернетда жойлаштириб, кейинги ўринда алоҳида соҳалар бўйича китоб шаклида фойдаланиш учун дастурлаш авж олди [5].

Тилшуносликда мавжуд луғатлар турларининг хилма-хиллиги саноқсиз. Бу хилма-хиллик, авваломбор, тилнинг лексикографик тавсифи, объектининг мураккаблиги ва кўп ўлчовлилиги билан изоҳланади. Бундан ташқари, жамиятнинг тил тўғрисидаги кенг қамровли маълумотларни олишга бўлган кўплаб эҳтиёжлари луғатлар систематик тўпламларини (репертуар, коллекция) ҳам мураккаблаштиради ва кенгайтиради. Битта луғатда тил тўғрисида бутун жамиятни, шунингдек унинг алоҳида қатламлари ва хусусиятларини тўлиқ ёритиб тенг равишда қондирадиган барча маълумотларни тақдим этишнинг деярли имкони йўқ. Шунинг учун ҳар қандай миллий лексикографияда ҳар хил турдаги ўнлаб, ҳатто юзлаб луғатларни кўришимиз мумкин.

Олимларнинг таъкидлашича, луғатларни турларга ажратиш турли сабабларга кўра юзага келади: луғатнинг мақсади, ҳажми, унда сўзлар қандай жойлаштирилганлиги, тавсиф объекти ва ҳоказоларга боғлиқ. Ушбу фарқланувчи хусусиятларнинг аксарияти бир-бирига суянган ҳолда бир хил луғатда бирлашади, бошқалари эса бир-биридан ажралиб туриб, мутлақо бошқа турдаги луғатлар учун асос бўлиб хизмат қилади.

Аввало, лингвистик ва тилга оид бўлмаган луғатларни ажратиб олишга тўғри келади. Биринчиси, тилнинг лексик бирликларини (сўзлар ва фразеологик бирликлар) тўплайди ва тавсифлайди. Лингвистик луғатларнинг махсус кичик тури бу тушунчани (ғоядан) сўз ёки ибора орқали ифодаланиши билан тартибланади. Ҳар қандай луғатни "умумий" ёки "махсус" турларга ажратиш мумкин.



Тилга оид бўлмаган луғатларда лексик бирликлар нолисоний воқеликнинг объектлари ва ҳодисалари ҳақида у ёки бу маълумотни етказишнинг бошланғич нуқтаси бўлиб хизмат қилади. Луғатларнинг оралиқ (интервал) турлари ҳам мавжуд. Бундан ташқари, ҳар қандай луғатни "умумий" ёки "махсус" гуруҳларига киритиш мумкин.

Ахборот-қидирув тизимида солинган луғатлар тўплами электрон луғатлар ҳисобланади. Турли мақсадлар учун йиғилган, ўзгарувчан ҳажмга эга электрон луғатлар тўплами киберлексикографияга мисол бўла олади. Бундай электрон луғатлар тўпламида сўзлар битта тилга хос ёки шу тилга хос бошқа вариантларда берилган бўлиши, улар қайсидир жиҳатдан бири-бирига ўхшаш бўлиши табиий.

Киберлексикографияда электрон луғатлар махсус ишлаб чиқилган компьютер дастури орқали амалга оширилади. Бугунги кунда лексикологиянинг янги йўналишини ифодаловчи киберлексикография тадқиқотчилар зиммасига катта вазифани юклайди. Ўзбек тилшунослигида киберлексикография янги соҳа бўлгани боис, унинг ривожлантиришида, ундаги имкониятларидан амалий фойдаланишида ҳамда бу соҳанинг самарадорлигини оширишда электрон луғатларни яратишни талаб қилади.

Киберлуғатлар тил имкониятини нисбатан тўла ва кенг қамровли намоён қилиш, эгаллашда анъанавий воситалардан кескин фарқ қилади. Киберлуғатлар ҳақида тасаввур уйғотиш мақсадида, "Urban Dictionary" (<http://www.urbandictionary.com>) электрон луғатининг таҳлилига тўхталиб ўтсак.

Ҳозирда электрон луғатлар компакт дисклар ёки интернет орқали фойдаланиладиган қўлай луғатлар анчагина. Уларни киберлуғатлар билан солиштирганда кўпчилиги ҳажми ва сифати жиҳатидан ўртамиёна ва қўллашга ярамайди. Ўзига хос ноёб бўлган киберлуғат 1999 йил яратилди ҳамда <http://www.urbandictionary.com/> адреси бўйича жойлаштирилди. Унинг муаллифлиги аниқ бир нашриётга тегишли эмас, у кўнгилчилар томонидан яратилган ва унга ўша жамоанинг ҳар бир аъзоси ўз мақоласини қўшиши мумкиндир (бу лексикография пастдан юкорига ёки "bottom-up lexicography" деб номланган дунё тажрибаси). Фойдаланиш шартномасига тўғри келмайдиган қўшимчаларни олиб ташлаш ишини, албатта, ресурс маъмурияти бажаради. Бироқ қолган бошқа ишларни тизим ўзи бажарадики, биз унинг тартибини қуйида кўриб ўтамиз:

Луғат яратилишида унинг асосий ҳақиқий манбаси - ҳаётнинг ўзи ҳисобланади. Фойдаланувчилар унга турли вазиятларда кўп марта эшитган сўзларини қўшиб борадилар. Аслида бу китоблар, газеталар, телекурсатувлар ва бошқалардир. Луғатнинг ҳажми ҳайратланарли даражада соат сайин ўсиб бормоқда. Чунончи, 27 апрель 2009 йилда унинг ҳажми 3 920 800 бирликдан иборат бўлган. Луғат микроструктурасида қуйидаги бевосита сўзлар бўлими ва тармоқ соҳалари каби бўлимларни кўриш мумкин: фойдаланувчилар шартномаси ("terms of service"), сир сақлаш сиёсати ("privacy policy"), фикрлар ("feedback"), рекламачиларга таклифлар ("advertise"), технологияларни ёзиб ёритиш ("technology"), реал вақт режимидаги маслаҳатлар ("live support"), чат ("chat"), блог ("blog"). Микроструктуранинг бир қисми сифатида электрон луғатнинг асосий вазифаси қидириш тизимидан иборатдир. Одатда сўзлар қатъий тартибга эга бўлмайди. Улар маълумотлар базасида бўлиб, қидириб топиб олиш учун индекслаштирилган бўлади. Шундай бўлсада луғатнинг тўғридан тўғри алфавит тартибдалигини қайд этиш мумкиндир. Қидирув натижаларини акс эттиришда колонканинг чап томонида ўша сўзга алфавит жиҳатдан яқин сўзлар қатори намоён бўлади[4].

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ўзбек киберлексикографиясини йўлга қўйиш бугун учун долзарб вазифалардандир. Замонавий тилшуносликнинг



ютуқлари асосида бугунги кунда ўзбек тили луғатларини компютер технологиялари асосида қуриш ва қайта ишлаш, унинг қўлланишини маълум бир шароит, турли шароит учун моделлаштириш, она тилимиз компютер моделларини лингвистика ёки бошқа соҳаларда қўллаш, техника таржимаси кабилар бўйича эришилаётган сезиларли ютуқлар киберлексикографиясини йўлга қўйишга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кибернетическая лексикография Захаров В. 1 А -10 ФИЯ ЧГУ имени И. Н. Ульянова.электр.ресурс. <http://www.myshared.ru/slide/10492/>
2. Карпова О. М., Менагаришвили О. В. Электронные словари и кибернетическая лексикография : метод. рекомендации к спецкурсу. Иваново: Иван. гос. ун-т, 2002. 45 с.
3. Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск 14. Проблемы и методы лексикографии. Под редакцией Зевахиной Т. С., Городецкого Б. Ю. М.: Прогресс, 1983. - 399 с.
4. Тоирова Г. Ўзбек тили миллий корпусини яратишнинг назарий ва амалий масалалари. Халқаро монография. Германия: "GlebeEdit" номли халқаро нашриёт. 2020, -169 б.
5. Саженин, И. И. Словарный корпус: проблемы и перспективы / И. И. Саженин; под ред. О. А. Маркасовой, Н. В. Константиновой // Молодая филология - 2011 (по материалам исследований молодых учёных): межвузовский сборник научных трудов. - Новосибирск: Изд-во НГПУ, 2011. - С. 250 - 259



TADQIQOT.UZ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

**"ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМДА РАҚАМЛИ ТИЗИМЛАРНИ ҚЎЛЛАШ:
ФИЛОЛОГИЯ ВА ПЕДАГОГИКА СОҲАСИДА ЗАМОНАВИЙ
ТЕНДЕНЦИЯЛАР ВА РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ"**

7-ҚИСМ

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Файзиев Шахрам Фармонович

Эълон қилиш муддати 1.11.2020